

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Кўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 894.375-1/8

ББК: 83.3(0)9

Ж – 87

ЖУМАБАЕВА ОЙСАРА РУСТАМОВНА

**НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДА ФЕЪЛ: СЕМАНТИКА
ВА СТИЛИСТИКА МАСАЛАЛАРИ**

5A120103 – Мумтоз филология (турлари бўйича)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:

фил.фан.док., проф. Қ.П. Содиқов

Тошкент – 2014

Магистратура бўлим бошлиғи

т.ф.н. Алимова Р.Р.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Факультет: Шарқ филологияси
ва фалсафа

Кафедра: Мумтоз филология

Ўқув йили: 2013-2014

Магистратура талабаси:

Жумабаева Ойсара Рустамовна

Илмий раҳбар:

ф.ф.д., проф. Қ.П. Содиков

Мутахассислиги: 5A120103 – Мумтоз
филология (турлари бўйича)

**“НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДА ФЕЪЛ: СЕМАНТИКА ВА СТИЛИСТИКА
МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУИДАГИ МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ
АННОТАЦИЯСИ**

Навоий асарлари тилида қўлланган феълларни семантик ва стилистик жиҳатдан ўрганиш мумтоз филология олдида турган долзарб вазифалардандир. Ушбу тадқиқотда Навоий асарлари тилида қўлланган сўзлашув билан боғлиқ, кўрув, эмоционал туйғуларни ифодаловчи ва еб-ичиш билан боғлиқ феъллар семантик ва стилистик жиҳатдан алоҳида тартибда ўрганиб чиқилди. Ушбу тадқиқотнинг объекти Навоий асарлари тилида қўлланган феъллар бўлиб, уларнинг семантик ва стилистик масалалари илмий ишнинг предметиدير. Ушбу тадқиқотда қиёсий, тарихий, таснифий методлардан фойдаланилди. Навоий шеърларида қўлланган юқоридаги гуруҳ феълларининг ушбу тадқиқотда ҳам маъно, ҳам услуб томондан биринчи бор таҳлил қилингани ишнинг илмий янгилигини белгилаб беради. Ушбу магистрлик диссертациясидан илмий мақолалар, диссертация ишлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларда фойдаланиш, шунингдек, Навоий асарлари бўйича тузиладиган луғатларда тадқиқотдаги сўз маъноларига оид таҳлиллардан лексикографик материал сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Навоий асарларида қўлланган сўзлашув билан боғлиқ, кўрув, эмоционал туйғуларни ифодаловчи ва еб-ичиш билан боғлиқ феъллар семантик ва стилистик жиҳатлари билан бошқа феъллардан ажралиб туради. Ушбу феълларнинг лингвопоэтик тадқиқи муаллиф бадиий маҳоратини очиб беришда муҳимдир.

Илмий раҳбар

Магистратура талабаси

фил.фан.док., проф. Қ.П. Содиков

Жумабаева Ойсара Рустамовна

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I боб. Туркшуносликда феълларнинг ўрганилиш масаласи	11
1. Эски давр тилшунослигида феълларнинг ўрганилиши	11
2. Рус туркологиясида феълларнинг ўрганилиши	14
3. Турк тилшунослигида феълларнинг ўрганилиши.....	21
4. Ўзбек тилшунослигида феълларнинг ўрганилиши.....	23
I боб бўйича хулоса.....	30
II боб. Навоий асарлари тилида қўлланган феълларнинг мавзу гуруҳлари ва маъно хусусиятлари	31
1. Сўзлашув билан боғлиқ феъллар семантикаси.....	31
2. Кўрув феъллари семантикаси.....	37
3.Эмоционал туйғуларни ифодаловчи феъллар семантикаси.....	45
4. Еб-ичиш билан боғлиқ феъллар семантикаси.....	52
II боб бўйича хулоса.....	57
III боб. Навоий асарлари тилида қўлланган феълларнинг услубий-функционал хусусиятлари	59
1. Сўзлашув билан боғлиқ феъллар услуби.....	59
2. Кўрув феъллари услуби.....	65
3. Эмоционал туйғуларни ифодаловчи феъллар услуби.....	69
4. Еб-ичиш билан боғлиқ феъллар услуби.....	74
III боб бўйича хулоса.....	78
Хулоса	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82

КИРИШ

Диссертация мавзуининг долзарблиги. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислон Каримов фан методологияси борасида шундай фикр билдирадилар: “Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат... Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлиги, бу бир табиий қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериши керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим”¹.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, буюк мутафаккир, улуғ ижодкор Алишер Навоий ижодини ўрганиш давлат аҳамияти даражасига кўтарилди. Тошкент давлат Шарқшунослик институтида Шарқ мумтоз филологияси йўналиши ва шу номдаги кафедра фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳамда навоийшуносликнинг фан сифатида ўқитила бошлангани фикримизнинг яққол далилидир. Тан олиш керак, собиқ иттифоқ даврида ҳам ўзбек навоийшунослигида катта ишлар қилинди, аммо сир эмаски, нашр жараёнидаги қисқартиришлар, асарлар талқинидаги нотўғри таҳлиллар ҳам талайгина. Айни шу ҳолатлар ўша даврда бу соҳада бемалол фаолият олиб боришнинг чекланганидан дарак беради. Бугун эса Навоийни аслиятдан ўрганиш, унинг меъросини тўлақонли таҳлил қилиш учун кенг йўл очиб берилмоқда. Бу ишларнинг бошида муҳтарам юртбошимиз турганлиги, айниқса, қувонарли ҳолдир. Ислон Каримов буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг миллатимиз, халқимиз олдидаги улкан хизматлари ҳақида сўз юритар эканлар: “Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъткоридир.

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ. 1998. 25-б.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир” – деган эдилар².

Маълумки, борлиқдаги барча жонзотлар доимий ҳаракатдадир. Ушбу ҳаракатларнинг ҳаммасини тилдаги феъллар орқали ифода этамиз. Сўз туркумлари ичида “энг мустаҳкам кўрғонга эга” сўзлар ҳам феъллардир. Яъни бир тилда бошқа тиллардаги от, сифат, сон, равиш туркумлари сўзларининг асл ҳолича сингиб кетиши ҳодисаларини кўпгина тиллар мисолида исботлаш мумкин, аммо ўзлашган қатлам феъллари, маълум ўзгаришларга учраши шарт. Бу жиҳатдан маълум тилнинг бойлигини ундаги феъл қатлами билан ўлчаш мумкин, деган хулоса келиб чиқади. Мана шунга ўхшаш лингвистик қарашлар XV асрдаёқ “Муҳокамату-л-луғатайн”даги тадқиқотларда акс этгани Навоийни тилшунос олим сифатида ўртага чиқаради. Муҳими шундаки, Навоий ўзининг феъллар борасидаги назарий қарашларини амалда, яъни ўзига хос маъно ва услубга эга бўлган феълларни ўз асарларида қўллаш билан исботлаб берди. Ана шунинг учун ҳам Навоий асарлари тилидаги феъллар лингвопозетик таҳлилни талаб этади. Навоий ижодини ўрганиш борасида бугунгача олиб борилган кўпгина тадқиқотлар адабиётшунослик, манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан амалга оширилган бўлиб, шоир асарлари тилини лингвистик билимлар асосида таҳлил қилиш бир мунча оқсаётгани сир эмас. Тўғри, Навоий тилининг фонетикаси, грамматикаси мутахассис олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Бу борада тадқиқотлар яратилган, диссертациялар ёзилган. Бу каби илмий ишларда маълум маънода феъллар ҳам ўрганилган. Лекин Навоий тилида қўлланган феълларнинг семантик ва стилистик томони шоир услубининг энг бой нуқтаси бўлганидан ҳам алоҳида тадқиқот олиб боришни талаб этади. Бу масалалар ҳозирги босқичда янги талаблар асосида

²Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma'naviyat. 2011. 47-b.

ўрганишни тақозо этади. Бунинг сингари муаммолар ушбу магистрлик диссертациясининг долзарблигини оширади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Маълумки, Навоий асарлари юзасидан тузилган замонавий луғатларда, асосан, арабий ва форсий сўзлар маъноси ёритилган. Туркий сўзлар деярли эътибордан четда қолмоқда. Ваҳоланки, шоир асарларида туркий сўзлар, хусусан, феъллар контекстга қараб турли маъноларда келади. Муҳими, бу феълларнинг кўпчилиги бугунги тилимизда ҳар бир маъносини сақлаб қола олмаган. Натижада гарчи ўз қатлам сўзлари бўлса-да, уларнинг маънолари бугунги китобхонга тушунарсиз. Ана шунинг учун ҳам биз Навоий асарларидаги айрим феълларни семантик ва стилистик жиҳатдан таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ушбу мақсад қуйидаги вазифаларни амалга оширишни таъқозо этади:

– Туркий тилдаги феълларнинг семантик, стилистик хусусиятлари бўйича ўрта асрлар ва замонавий тилшуносликда юзага келган қарашларни ўрганиш;

– Навоийнинг феъллар семантикаси ва стилистикасига оид қарашларини ўрганиш;

– Навоий асарларида қўлланган феълларни типологик гуруҳларга ажратиш ва уларни семантик-стилистик жиҳатдан алоҳида тартибда тадқиқ қилиш;

– Туркий феъллардаги семантик даражаланиш (семантик градуномия) ҳодисасини Навоий бадиияти мисолида кўриб чиқиш;

– Навоий асарларида қўлланган айрим феълларнинг полисемантик хусусиятларини муаллиф услуби нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

– Ўрганилган масалалар юзасидан алоҳида ва умумий хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Алишер Навоий асарларида тилимиздаги деярли барча феъллар қўлланган. Бу феълларни биргина магистрлик диссертацияси доирасида тадқиқ қилиш мумкин эмас. Шу

сабадан, шоир асарлари тилида қўлланган маълум гуруҳ феълларинигина таҳлилга жалб этдик. Натижада Навоий асарлари тилида қўлланган сўзлашув, кўрув, эмоционал туйғуларни ифодаловчи ва еб-ичиш билан боғлиқ феъллар тадқиқотнинг объекти, уларнинг семантикаси ва стилистикаси масалалари эса илмий ишнинг предмети сифатида белгиланди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлар. Навоийнинг туркий тилдаги феълларларнинг семантик-стилистик имкониятлари юзасидан назарий қарашларини унинг бадиий асарлари асосида таҳлил қилиш ушбу магистрлик диссертациясида кўриладиган асосий масаладир.

Навоий туркий тилнинг бошқа тиллардан қолишмаслиги, ҳатто афзаллик томонлари борлигини илмий жиҳатдан исботлаб бериш орқали ёш шоирларни туркийда ёзишга ундади. У туркийда битган юксак савиядаги бадиий асарлари билан ўзининг олимона қарашларини далиллашга эришди. Навоий олим сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам туркий тилнинг энг бой нуқтасини ундаги феълларнинг кенг имкониятларга эга эканлигида, деб ҳисоблади ва бу қарашларини ҳар икки турдаги (ҳам илмий, ҳам бадиий) асарлари орқали кўрсатиб бера олди.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Ушбу магистрлик диссертациясида “Ҳазийинул-маоний” куллиётидан ўрин олган тўрт девон: “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар”³ асосий манбалар сифатида қўлланилди. Ишнинг илмий асосини белгиловчи манбалардан бири сифатида “Муҳокамат ул-луғатайн”⁴даги туркий феълларга оид лингвистик қарашлардан ҳам унумли фойдаланилди.

Замонавий туркологияда феъл сўз туркуми турли томондан ўрганилган. Ушбу тадқиқотларни амалга оширишда дунё туркологлари А.М.

³ *Алишер Навоий*. Ғаройиб ус-сиғар. Мукаммал асарлар тўплами, 3-том. – Тошкент: Фан. 1988.; *Алишер Навоий*. Наводир уш-шабоб. 4- том. –Тошкент: Фан. 1989.; *Алишер Навоий*. Бадоеъ ул-васат., 5-том. – Тошкент: Фан. 1990.; *Алишер Навоий*. Фавойид ул-кибар. 6-том. – Тошкент: Фан. 1990.

⁴ *Алишер Навоий*. Муҳокамат ул-луғатайн. Мукаммал асарлар тўплами, ўн олтинчи том. – Тошкент: Фан. 2000.

Шчербак, Н.К. Дмитриев, Д.М. Насилов, Э.Р. Тенишев, В.Ф. Вещиловалар билан бир қаторда А. Ҳожиев, Р. Расулов. Қ. Содиков, Х. Юсупхўжаева, М. Оразов, М. Содикова, С. Муҳамедова, М. Саидхонов, Ж. Шабанов, Г. Рихсиева, М. Мамадалиева, Ҳ. Эргашева⁵ каби ўзбек олимларининг хизматлари каттадир.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Тилшуносликда классик асарлар тилини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда яратилган ишларда кўплаб методлар борлигини кузатишимиз мумкин. Биз ушбу тадқиқотимизда шарқшунослик ва туркшуносликдаги ана шу илғор усуллардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Қиёсий, тавсифий ва таснифий каби методлар шулар жумласидандир.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқотда Навоий асарларида қўлланган феъллар семантик ва стилистик

⁵Қаралсин: Шчербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол). – Л: Наука, 1981. -181с., Насилов Д.М. лингвистические взгляды Алишера Навои // История лингвистических учений. Средновековый Восток., Тенишев Э.Р. Глаголы движения в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. – М., 1961. –С. 232-293., Вещилова В.Ф. Глаголы движения в турецком языке // исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Лексика. – М.: Изд-во АН СССР, 1962. –С. 101-115.; Ҳожиев А. Феъл. - Тошкент: Фан, 1973. -192 б., Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. - Тошкент: Фан, 1966. -222б., Расулов Р. Ўзбек тили ҳолат феълларида семантик каузация // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. № 5, -Б. 7-12. Оразов М. Феъл семантикаси тараққиётининг баъзи факторлари ҳақида // Ҳозирги ўзбек тили адабий тили тараққиётида рус тилининг роли. - Тошкент. 1983, -Б. 83-87. Юсупхўжаева Х. Ўзбек тили изохли луғатида феъл формаларининг лексикографик таҳлилига доир (“Ўзбек тили изохли луғати” материаллари асосида), - Тошкент, 1975, -121 б., Мамадалиева М. Ҳаракат семали феъл лексемаларда коннотатив маъно // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. № 3, -Б. 30-35., Содиков. К. Глагол в языке «Кутадгу билиг» - историколингвистический анализ лексики старописьменных памятников. Изд-во «Фан». - Ташкент, 1994. –С. 90-106., Эргашева Ҳ. Ҳаракат ифодаловчи феълларнинг семантик таснифи // Тил ва адабиёт таълими. 2000, № 2, -Б. 25-26., Шабанов Дж.К. Турк ва ўзбек тилларида фаол ҳаракат феълларининг семантикаси. Автор.фил.фан.ном. - Тошкент, 2003. 25б. Содикова М.С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (Семантик аспектда). Дис.фил.фан.док. - Тошкент, 1991. -288 б., Муҳамедова С.Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги., - Тошкент, 1999. -122 б., Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.: Дис.фил.фан.док. - Тошкент, 2007. -300 б., Рихсиева Г. Ташхис санъатида феъл туркумидаги сўзларнинг аҳамияти // Тилшунослик, 3 – 4 (24)-сон. Тошкент. 2009., Рихсиева Г. Шеърый матн поэтикасида феълнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 6-сон. 2008. –Б. 97-102.

жихатдан илк маротаба магистрлик диссертацияси талаблари асосида таҳлил қилинди.

Ушбу магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундаки, илмий мақолалар, диссертация ишлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларида унда олиб борилган тадқиқотлардан илмий материал сифатида фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, Навоий асарлари бўйича тузиладиган кейинги луғатларда тадқиқотдаги семантика масалаларига оид таҳлиллар лексикографик материал тарзида қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти. Ушбу магистрлик диссертациясида туркий феъллар тадқиқига оид эски ва замонавий тилшунослик қарашларини ўрганиб чиқдик. Бунга кўра, туркий феълларнинг семантик ва стилистик хусусиятларига тегишли тадқиқотлар санокли ҳолда эканлиги маълум бўлди. Бу жихатдан, Навоий асарлари тилида қўлланган сўзлашув билан боғлиқ, кўрув, эмоционал туйғуларни ифодаловчи ва еб-ичиш билан боғлиқ феълларнинг ушбу тадқиқотда ҳам маъно, ҳам услуб томондан биринчи бор таҳлил қилингани ишнинг илмий янгилигини белгилаб беради.

Диссертация тузилиши ва таркиби. Мазкур тадқиқот кириш, уч боб ва хулоса бўлимларидан иборат. Диссертация якунида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам берилади.

I БОБ. ТУРКШУНОСЛИКДА ФЕЪЛЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

МАСАЛАСИ

1. Эски давр тилшунослигида феълларнинг ўрганилиши

Феъл – ҳаракат, ҳаёт эса ҳаракатдан иборатдир. Феълларни ўрганиш бутун дунё тилшунослигида жуда қадимдан бошланган.

Тилшунослигимизда феъл билан боғлиқ ҳолда тадқиқотлар олиб бориш узоқ йиллик тажрибага эга. Ушбу тадқиқотларнинг дастлабкиси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғати-т-турк” асарида ўз аксини топган. Олим луғатда аввал исмларни, сўнг феълларни жойлаштириб чиқаркан, уларни сўзларнинг талаффузига кўра ички бўлимларга ажратади. Муҳими шундаки, ҳар қайси бўлимдан кейин унга боғлиқ бўлган грамматик қодалар берилади. Ана шу тариқа туркий тилшуносликнинг илк пойдевори қўйилади. Кошғарийнинг тилшунос сифатида феълларга алоҳида урғу бериши бежиз эмас. У сўзларнинг, хусусан, феълларнинг кўп маънолилиги ҳодисасини ўзининг лингвистик қарашлари асосида изоҳлаб берди. Масалан, “туғмоқ” сўзи илгари фақат одамга нисбатан қўлланар эди. Сўнг бу сўз ҳайвонларга нисбатан ҳам қўллана бошлаган. Бу ҳодисани Маҳмуд Кошғарий воқеанинг юзага келишидаги ўхшашлик муносабати билан сўзни истиора усулида қўллаш деб уқтирган⁶. М.М. Миртожиев таъкидлаганидек, буюк лексикограф Маҳмуд Кошғарий полисемия ҳодисасига алоҳида эътибор қаратган, аммо у полисемантик сўз таркибидаги ҳар бир лексик маънони бир сўз сифатида қарайди⁷.

Маҳмуд Кошғарий девони ва шу давр тилшунослигини чуқур ўрганган олим С. Муталлибовнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “ХI аср ёдгорликларида феъл формалари билан ҳозирги тилимиздаги феъл

⁶ Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғатит-турк”. III томлик, I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи – С. Муталлибов. – Тошкент. 1960. 20-б.

⁷ Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. 158-б.

формалари орасидаги фарқ анча каттадир. Аммо шундай бўлса ҳам, у давр феъл формалари билан ҳозирги тилимизнинг феъл формалари асосан бир бўлиб, сўнги давр феъл формаларидаги ўзгариш ва ривожланиш ана шу олдинги феъл формалари асосида юзага келганини кўрамиз. XI аср ёдгорликларида ишлатилган асосий феъл сўзларнинг бир қисми замонамизгача тўла етиб келган”⁸.

Маҳмуд Кошғарийдан кейинги даврларда яратилган луғатларда ҳам феъллар, уларнинг семантик хусусиятлари тилшунос олимларнинг диққат марказида бўлди. Ушбу фикрларимизни қуйидаги қарашлар далиллайди: “Маълумки, Шарқда сўзларнинг семантик майдонига эътибор бериш қадим даврлардан бошланган. Бунинг исботини Замахшарийнинг “Муқаддимату-л-адаб” (1128-1143й.) ва Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома” (1659-1707 й.) луғатларида кўриш мумкин. Ушбу луғатларда тил бойлиги муайян семантик майдонлар бўйича тасниф қилиниб, ҳар бир семантик майдон луғатнинг алоҳида қисми сифатида берилган”⁹.

Феъл сўз туркуми имкониятларини очиб беришда Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг ўрни катта. “Муҳокамат ул-луғатайн” Навоийнинг тилшуносликдаги улуғ кашфиётидир. Асар тилшуносликда янги-янги соҳаларни, тилни ўрганишнинг янги йўл ва усулларини очиб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Навоий ушбу асари билан шарқ тилшунослигидагина эмас, дунё тилшунослигида биринчи бўлиб типология соҳасини, тилларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини бошлаб берди¹⁰. Алишер Навоий туркий тил имкониятларини форс тили имкониятларига солиштириб таҳлил қилганида, сўзларнинг маъно бойлигига алоҳида

⁸ *Муталлибов С.* XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси. Тил тарихига доир материаллар - Тошкент: Узфанакаднашр, 1955. 7-б.

⁹ *Исломов З.М.* “Маҳмуд Замахшарий “Муқаддимату-л-адаб” асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркча феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни” филол. фан. док. дис. ав. – Тошкент. 1998. 45-б.

¹⁰ *Содиқов Қ.П.* “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш. – Тошкент. 2011. 5-б.

тўхталиб ўтган эди¹¹. Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн”да юзта туркий феълни бирма-бир санаб ўтади. Олимнинг фикрича, бу феъллар ўзининг услубий ўзгачаликлари билан форсийда муқобили бўлмаган феъллардир. Ушбу феълларнинг сони ҳақидаги айрим баҳсларга қуйидаги изоҳ аниқлик киритади: “Уларнинг юзта сўз (*yüz lafz*) эканлигини муаллифнинг ўзи ҳам икки-уч ўринда таъкидлайди. Қизиғи шундаки, асарнинг Тошкент нашрида ушбу феъллар тўксон тўққизта. Бунинг боиси, асарнинг бизга етиб келган қўлёзмаларида уларнинг сони турлича: Тўпқопи ва Париж нусхаларида тўксон тўққиз, Фотиҳ ва Будапешт нусхаларида юзтадир. Ушбу икки нусхада бошқа қўлёзмада тушиб қолган юзинчи феъл ҳам бор. У *çimdilamaq* феъли бўлиб, кетма-кетликда *qičiğlamaq* сўзидан сўнг келади”¹². Навоий келтирган юзта феълдан эллик тўрттаси ҳозирги ўзбек тилида мавжуд эканлигини “Ўзбек тили изоҳли луғати”дан билиб олишимиз мумкин. Ушбу феълларга олимнинг ўзи қуйидагича таъриф беради: “Bu yüz lafzdur-ki, ğarib maqāsīd adāsīda ta’yin qīlīpdurlar-ki, barčasī muhtāju-n-īlayhdur-ki, takallum çāğīda kiši aña muhtāj bolur. Kōpi andaqdur-ki, aslā anīñ mazmunīn tafhim qīlmaq bolmas va ba’zinī-ki, aņlatsa bolğay, har lafz tafhimī üçün neçä lafznī tarkib qīlmağunça bolmas. Ul dağī ‘arabī alfāz madadī bilā”¹³. Асарда бу юз феълнинг айримлари тўлиқ изоҳланади. Масалан, *ичмоқ* ва *ийгламоқ* феълларининг синонимлари, улар ўртасидаги услубий даражаланишларни аниқлаб берилади. Айнан уларни шеъриятда қўллаш ёрдамида ошиқнинг руҳий аҳволи ўқувчига аниқ етказилиши мумкинлиги ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Муҳими, олим бу қарашларининг барчасини амалда исботлаб беради. Бундан мурод туркий тилнинг феъллар хусусида бир қанча қулайликлар ва афзалликларга эга эканлигини кўрсатиб беришдир. Навоийнинг тилшунос сифатидаги хизматлари ҳақида сўз юритар экан навоийшунос олим А. Рустамий шундай дейди: “Ҳазрат жаҳон тилшунослигида энг буюк ўринни эгаллади. У

¹¹ Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. 158-б.

¹² Содиқов Қ.П. “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш. – Тошкент. 2011. 12-б.

¹³ Ўша ўқув қўлланма. Матн транскрипцияси қисмидан. 30-б.

муҳокамату-л-луғатайн асари билан дунё тилшунослиги тарихида биринчи компаративист, биринчи фонолог, биринчи типолог бўлди”¹⁴. Муҳими шундаки, Навоий бадиий асарлари, айниқса шеърӣ асарларида туркий феъллардан кенг кўламда фойдаланди. У шоир сифатида ҳам туркий феълларнинг бадииятдаги барча қирраларини кашф эта олган моҳир сўз санъаткоридир.

2. Рус туркологиясида феълларнинг ўрганилиши

Рус олими А.М. Шчербак феълларнинг ўрганилиши масаласида сўз юрита туриб: “Ўтган юз йилликда эски ўзбек тили турли мақсадларни кўзда тутиб ва турли қарашларга асосланган ҳолда фикр юритган бир неча Ғарб ва рус туркологларининг диққатини тортиб келди”¹⁵ – деб ёзган эди. Унинг бу фикрига таянган ҳолда, туркологияда феъл ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳам бир неча йиллик тажрибага эга, деган хулосага келиш мумкин. Маълумки, сўз тушунчани ифодалайди, гап фикрни билдиради. Гап ҳосил бўлиши учун эса нутқимизда феъл (кесим) ёки унинг маълум қисқарган шакли (кесимлик шаклларида бири) албатта иштирок этади ва у асосий фикрни таъминлаш учун хизмат қилади.

Рус туркологиясида Н.К. Дмитриев, Д.М. Насилов, Э.Р. Тенишев, Ф. Вещилова, А.М. Шчербак¹⁶ каби олимлар феъл мавзусида қимматли тадқиқотлар олиб борганлар. Қуйида бу тадқиқотларнинг ютуқ ва

¹⁴ *Рустамий А.* Ҳазрат-и Навоийнинг маънавий олами.– Тошкент: Navro‘z, 2014.

¹⁵ *Шчербак А.М.* Грамматика староузбекского языка. М-Л., 1962. С. 9.

¹⁶ *Қаралсин: Дмитриев Н.К.* Очерки по методике преподавания русского языка в татарской школе, *Насилов Д.М.* Лингвистические взгляды Алишера Навои // История лингвистических учений. Средневековый Восток., *Тенишев Э.Р.* Глаголы движения в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. – М., 1961., *Вещилова Ф.* Глаголы движения в турецком языке // исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Лексика. – М.: Изд-во АН СССР, 1962., *Шчербак А.М.* Грамматика староузбекского языка. М-Л., 1962., Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол). – Л.:Наука. 1981.

камчиликлари юзасидан айрим мулоҳазаларни билдириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Ҳар бир тилда феъл билан боғлиқ семантик хусусиятлар ўзига хос бўлиб, айти шу ўзига хослик тилларни бир-биридан фарқлаб туради. Туркий феълларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, уларни соф ҳолда бошқа бир тилдан ўзлаштириб бўлмайди. Зарурат туғилганда эса ё масдар ҳолга келтирилади ёки маълум бир кўмакчи феълни ёрдамга чақириш орқали амалга оширилади.

Туркий тиллардаги феъллар таснифи дастлаб Н.К. Дмитриев томонидан амалга оширилган. Олим феълларни маъносига кўра тўрт гуруҳга бўлади: нутқ феъллари (глаголы речи), тафаккур феъллари (глаголы мышления), фаолият феъллари (глаголы действия) ва ҳаракат феъллари (глаголы движения)¹⁷.

Туркий тиллар, хусусан, Навоий даври тилида қўлланган феълларнинг грамматикасини ишлаб чиққан олимлардан яна бири Д.М. Насиловдир. Олимнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Ўзбек адабий тилининг кейинги ривожланиш босқичларида, яъни XIV ва XV асрлар ёзма ёдгорликлари тилида туркий ҳаракат феълларининг қўлланиши нисбатан сусайиб, форс-тожик ва арабча феълларнинг кўпроқ фойдаланилганлиги кузатилади. Аммо Алишер Навоий асарларида “туркий алфозда”ги феълларни қўллаш яна кучайди”¹⁸.

Шу ўринда Э.Р. Тенишевнинг ҳаракат феъллари тадқиқига бағишланган илмий ишини ҳам эслаб ўтиш жоиз¹⁹. Унинг таъкидлашича, ҳаракат феъллари ўз мазмунига кўра фаолият ва ҳолат феъллари билан чамбарчас боғланган, ҳар қандай фаолият ҳаракатнинг хусусий ҳодисасидир, яъни феълларни семантикасига кўра бўлиш шартли характерга эга. (233-б.)

¹⁷ Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.: Дис.фил.фан.док. Тошкент, 2007. 300 б., 35-б.

¹⁸ Насилов Д.М. Лингвистические взгляды Алишера Навои // История лингвистических учений. Средневековый Восток. –С . 143-155

¹⁹ Тенишев Э.Р. Глаголы движения в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. – М., 1961. –С. 232-293.

Э.Р. Тенишев ўз тадқиқотида ясамоқ, ёзмоқ феълларини натижали фаолият феъллари гуруҳига киритади, чунки уларда фаолият натижаси – уйча, хат (китоб) мавжуд бўлади. Ҳаракатда эса буни кузатиш мумкин эмас. Масалан, бормоқ, учмоқ феъллари фақат ҳаракатни англатади, натижаси йўқ. (233-б.) Олим барча ҳаракат феълларини икки гуруҳга бўлади: 1. Умумий маънога эга ҳаракат феъллари. 2. Хусусий маънога эга ҳаракат феъллари. Биринчи гуруҳга кирувчи феъллар маъносида бир нуқтага йўналтирилган ҳаракат ифодаланади. Э.Р. Тенишев бормоқ, қайтмоқ, келмоқ, кирмоқ, чиқмоқ, минмоқ, кўтарилмоқ каби феълларнинг асосий маъносини, қадимги ёдгорликлар (М, Кошғарий, Рабғузий асарлари) даги шакли, нисбат, замон, майл, қўшимчалари билан тусланиши, келишикларни бошқаришини ва уларнинг кўчма маъноларда қўлланишини ҳам изоҳлайди. Айни феълларнинг озарбайжон, олтой, бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, қумиқ, нўғой, татар, турк, туркман, ўзбек, уйғур, хакас, чуваш, ёқут тилларидаги шакллари ҳам келтиради. Бу эса олимга туркий тиллар асосида феъл семантикаси бўйича умумий хулосалар чиқариш имконини берган. Э.Р. Тенишев, шунингдек, хусусий маънога эга феълларни учга бўлади. Уларга: а) ҳаракат усулини кўрсатувчи феъллар: юрмоқ, учмоқ, сузмоқ, оқмоқ; б) ҳаракатдаги тўсиқларни енгиб ўтувчи феъллар: ошмоқ, кечмоқ, ўтмоқ; в) ҳаракат тезлигини кўрсатувчи феъллар: югурмоқ, қочмоқ, чопмоқ каби. Олим ҳаракат феъллари гуруҳида ўзаро антоним феъллар борлигига ҳам диққатни қаратади: келмоқ-кетмоқ, кирмоқ-чиқмоқ ва бошқалар. Э.Р. Тенишевнинг тадқиқоти анча мукамал бўлиб, у шу соҳада яратилган кўп ишларга асос бўлди. Аммо, ўша даврдаги кўп ишларда бўлганидек, ушбу мақолада ҳам феълларнинг синтагматик хусусиятларига деярли эътибор берилмаган. (Тенишев Э.Р. Глаголы движения в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. – М., 1961. –С. 232-293.)²⁰.

²⁰ Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.: Дис.фил.фан.док. Тошкент, 2007. 35-36-бб.

Н.К. Дмитриевнинг фикрларини бойитган ҳолда Ф. Вешчилова “Глаголы движения в турецком языке” мақоласида турк тилидаги феълларни тўртта лексик-семантик гуруҳга бўлади: 1. Ҳаракат феъллари. Улар субъектнинг биринчи нуқтадан иккинчи нуқтага бўлган ҳаракатини билдиради. 2. Фаолият феъллари, улар субъектнинг объектга бўлган таъсирини билдиради. 3. Ҳаётий жараёнларни билдирувчи феъллар. Бу гуруҳга озиқланиш, сезиш, туйиш, кўриш, нутқ, эшитиш, тафаккур феъллари киради. 4. Табиат ҳодисаларини англатувчи феъллар²¹. Олима ҳаракат феълларинининг морфологик тузилиши, грамматик хусусиятлари ва лексик маъносини махсус тадқиқ қилади. Ҳаракат феъллари гуруҳининг асосий хусусияти уларнинг *ўтимсизлиги эканлигини* таъкидлайди²². Муҳими шундаки, олима ҳаракат феълларини лексик маъносига кўра икки гуруҳга бўлади: 1) ҳаракат йўналишини билдирувчи феъллар; 2) ҳаракат усулини билдирувчи феъллар. Унинг фикрича, ҳаракат йўналишини билдирувчи феъллар горизонтал ва вертикал ҳаракат феълларига бўлинади. Вертикал йўналиш билдирувчи феъллар ўз навбатида пастга ва юқорига бўлган ҳаракатларни англатувчи феълларга ажратилади. Горизонтал йўналиш билдирувчи феъллар эса яқинлашиш ва узоқлашиш маъноли феълларга бўлинади. В.Ф. Вешчилова ҳаракат феълларини ҳаракат объектига нисбатан бўлган муносабати жиҳатидан ҳам икки гуруҳга бўлади: 1) предметни бутунлай ёки қисман қамраб олувчи ҳаракат феъллари; 2) предметни қамраб олмаган ҳолда унга оз таъсир кўрсатувчи ҳаракат феъллари. Олима ҳаракат феълларини маълум бир доирадаги объектлар билан бирикиши ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Олима С. Муҳамедова В.Ф. Вешчилованинг мазкур мақоласи ҳақида мушоҳада юритар экан, унинг ҳаракат феъллари тадқиқида асосан Н. Дмитриевнинг фикрларига суянгани, улардан ижодий фойдалангани, эътиборли томони мақолада айрим ҳаракат феълларининг

²¹ Вешчилова В.Ф. Глаголы движения в турецком языке // исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Лексика. – М.: Изд-во АН СССР, 1962. – С.101-115.

²² Мазкур мақола, 105-б.

дифференциал семалари кўрсатилганлиги, яъни изчил семантик таҳлил қилинганлигини алоҳида таъкидлайди²³.

Эски ўзбек тили грамматикаси тадқиқи билан шуғулланган рус олимлардан яна бири А.М. Шчербак феъл мавзусига алоҳида тўхталди. Олимнинг «Грамматика староузбекского языка»²⁴ ва «Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол)»²⁵ номли монографиялари фикримиз далилидир. «Грамматика староузбекского языка»да олим “Глагол” деб алоҳида бўлим ажратган. Унда феъл, асосан, грамматик жиҳатдан ўрганилган бўлиб, “Словоизменение глагола”, “Формы полной вербальности”, “Формы повилительного и предлагательного-желательного наклонения”, “Формы условного наклонения”, “Формы изъявительного наклонения”, “Формы неполной вербальности (Деепричастия)”, “Формы лица и числа”, “Словообразование глагола: Формы отглагольного словообразования; Формы отменного и отнаречного словообразования” каби мавзулар остида таҳлил қилинади. Эътиборли жиҳати, таҳлилда мисоллар, асосан, Навоий асарларидан олинган.

Тадқиқотнинг “Формы отглагольного словообразования” қисмида феълнинг нисбат кўшимчалари тадқиқ қилиниб, унда бир асосли феълнинг ўзига хос кўшимчалар қабул қилиб, беш хил: 1) действие исходит от производителя, выступающего в роли подлежащего, и направлено вовне; 2) действие исходит от производителя, выступающего в роли подлежащего и направлено на него самого; 3) действие исходит от производителя, не обозначенного в речи или обозначенного косвенно; 4) действие исходит от нескольких производителей, выступающих в роли подлежащего, и направлено вовне или от одного к другому; 5) действие исходит от производителя, обозначенного формой косвенного падежа и испытывающего

²³ Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.: Дис.фил.фан.док. Тошкент, 2007. 38-б.

²⁴ Шчербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М. –Л., 1962.

²⁵ Шчербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол). – Л.: Наука. 1981. -181 с.

активное воздействие другого производителя²⁶ – маънода келиши мумкинлиги баён этилади. Олим эски ўзбек тилидаги деярли барча нисбат шакллари бирма-бир келтириб, уларни мисоллар асосида таҳлил қилади. Ўрни билан бу шаклларнинг услубига ҳам тегишли маълумотлар бериб борилган. Айниқса, куйидаги таҳлиллар диққатни тортади: *qutul* ‘освободиться’, *qutqar* ‘освободить’ (**qut-*); *uyal* ‘стыдиться’, *uyat* ‘стыдить’ (**uya-*); *inan* ‘верить’, *inat* ‘внушить’ (**ina-*); *örgän* ‘учиться’, *öngät* ‘учить’ (**örgä*); *tiril* ‘оживать’, *tirit* ‘оживлять’ (**tiri-*); *uyğan* ‘пробуждаться’, *uyğat* ‘пробуждать’ (**uyğa-*). Аммо ушбу мавзу остидаги айрим таҳлилларга баъзи мулохазаларимиз бор эди. Масалан, ортгирма нисбат шакллари *-(i)t*, *-(i)t*; *-tur*, *-tür*, *-dur*, *-dür*; *-(u)r*, *-(ü)r*; *-qur*, *-kür*, *-ğur*, *-gür*, *-qar*, *-kär*; *-sät*; *-iz*, *iz*; *-ğuz*, *-güz*; *-ğa*, *-gä*лар каторида *-šur* қўшимчаси ҳам санаб ўтилади ва бунга “Шайбонийнома”дан *tapšurdi* ‘он передал’ мисоли келтирилади. Бизнингча, *tapšurdi* феъл таркибидаги *-šur* ортгирма нисбат қўшимчаси эмас. Чунки бундай ҳолда феълнинг асосини *tap* деб олишимизга тўғри келади. Натижада эса феълнинг маъноси ўзгариб кетади. Шунинг учун *tapšurdi* ва *tapti* сўзларини алоҳида феъл ўзаклари сифатида қараганимиз маъқул.

Шунингдек, “Формы отменного и отнаречного словообразования” қисмида феъл ясовчи қўшимчалар таҳлил қилинар экан *-na* (*nä*) қўшимчаси ҳам қайд этилиб, унга Лутфийдан *оунауйн* феъли мисол тариқасида келтирилади ва олим буни *оу* “игра” асосидан ясалган²⁷, деб ҳисоблайди. Ушбу фикрга “Навоий тилининг грамматик хусусиятлари”да танқидий ёндашилиб, *оуна* сўзининг асоси *оу* эмас, балки *оуин* экани айтилиб, ушбу феъл *-a* қўшимчаси ёрдамида ясалгани²⁸ уқтирилади.

²⁶ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М. –Л. 1962. С. 177.

²⁷ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М. –Л. 1962. С. 184.

²⁸ Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984. 139-б.

Шчербак туркий феъллар борасидаги таҳлилларини монографик тадқиқот даражасига етказди²⁹. «Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол)» уч бобдан иборат бўлиб, биринчи боб феълнинг сўз ўзгартувчи шакллари (Формы словоизменения глагола), иккинчи боб феълнинг сўз ясовчи шакллари (Формы словообразования глагола), учинчи боб эса туркий тиллардаги морфологик элементларнинг тарихий шаклланиши ва усули (О способах и исторической глубине образования морфологических элементов в тюркских языках) деб номланади. Ушбу монографик ишнинг иккинчи боби, феълнинг сўз ясовчи шакллари баёнида қадимги ва замонавий туркий тиллардаги қўшимчалар ўзаро қиёсланади. Муҳими, қўшимчаларнинг айнан қайси сўз туркумидан феъл ясаётганига диққат қилинади. Бу таҳлил эса феълларнинг маънолари билан бирга уларнинг этимологиясини аниқлашга ҳам хизмат қилади. Бунда олим: «Туркий тиллардаги ҳаракат маъносини ифодаловчи феъллар деярли бир хил талаффуз этилади ва бир хил этимологик асосга эга»³⁰, – деган фикрга келади.

Умуман олганда, А.М. Шчербакнинг эски ўзбек тили грамматикасига доир олиб борган тадқиқотлари кейинги авлод учун муҳим тажриба ҳисобланади. Олимнинг бу йўлда олиб борган методлари ҳозиргача бир неча тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлди, десак хато бўлмайди. Хусусан, юқорида таҳлил қилганимиз икки тадқиқот ушбу магистрлик диссертациясини ёзишда энг муҳим илмий адабиётлар сирасида ўрганилди. Тўғри, уларда эски ўзбек тилидаги феълларнинг, асосан, грамматикаси ишланган, аммо кези келганда уларнинг семантика ва стилистикаси бобида ҳам қимматли маълумотлар бериб борилган.

3. Турк тилшунослигида феълларнинг ўрганилиши

²⁹ Шчербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол). – Л. 1981. 181 с.

³⁰ Шчербак А.М. К вопросу о происхождении глагола в тюркских языках // Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол). – Л. 1981. С. 8-19.

Турк олимлари Н. Dizdaroglu, Т. Banguoglu, М. Hengirmen, Р. Toparli, Z. Korkmaz, Е. Yaman ва У. Özözenларнинг³¹ феъл мавзусида олиб борган тадқиқотлари эътиборга лойиқ. Ушбу тадқиқотларнинг аксариятида феълнинг фонетик, лексик ва грамматик жиҳатлари ёритилган. Уларда туркий тил гап қурилишида феълнинг муҳим эканлиги таъкидланган.

Айниқса, тилшунос олим Yüceol Özözenнинг “*de- fiilinın grameri*”³² номли монографияси диққатга сазовор. Тадқиқотда *de-* феълнинг замонавий турк тилидаги умумий ва хусусий жиҳатларини ўрганилиши билан бирга унинг ўрхун туркчаси, уйғур туркчаси, қорахонлилар туркчаси, эски онатўли туркчаси ҳамда усмоний туркчаларидаги аҳамиятини ҳам тадқиқ этилади.

Иш тўққиз бўлимдан иборат бўлиб, биринчи ва иккинчи қисмлар тадқиқи учун ёдгорликлар тили асос қилиб олинади. Биринчи бўлимда *de-* феъли ёзуви томонидан ўрганилади. Бунда феълнинг кўктурк, уйғур, араб, юнон, крилл ва лотин алифболарида қандай ёзилганлиги ҳақида баҳс юритилади. Иккинчи бўлимда эса *de-* феълнинг фонетик томонлари туркий лаҳжалар асосида ёритилади. Олим тил тарихидаги *t* лашиш, замонавий туркий тиллардаги *d* лашиш ҳодисалари ҳақида сўз юритиб, айти ҳодисанинг *de-* феъли учун ҳам тааллуқли эканини, шунингдек, ушбу феъл ўғуз лаҳжаларида қадимдан *de-* тарзида бўлганини мисоллар асосида уқтиради. Учинчи бўлим энг мукамал тадқиқот бўлиб, унда *de-* феълнинг тусланиши ҳақида гап боради. Муаллиф ушбу таҳлилни ўзига хос метод ёрдамида амалга оширади, феълнинг шахс-сон шакллари ёрдамида тусланиши даврма-

³¹ Dizdaroglu H. Türkçede fiiller. – Ankara, TDK, 1963., Banguoglu T. Türkçenin Grammeri. – İstanbul, 1974., Hengirmen M. Türkçe Dilbilgisi. – Ankara, TDK. 1995., Toparli R. Türk Dili. İki ciltlik. – Erzurum, 1988., Korkmaz Z. Türkiye Türkçesi Grammeri. – Ankara 2003., Yaman E. Türkiye Türkçesi ve Özbek Türkçesinin Söz dizimi bakımından karşılaştırılması. – Ankara, TDK. 2000., Özözen Y. *de-* Fiilinın Grameri. – Adana, Karahan kitapevi. 2009.

³² Özözen Y. *de-* fiilinın grameri. Adana. Karahan kitapevi. 2009. 247 s.

давр ўзгариб борганини турли жадваллар асосида бериб борилади. Булардан ташқари, ушбу бўлимда феълнинг замон, нисбат, майл категориялари турли манбалардан олинган мисоллар асосида жадвалларга жойлаштирилиб, грамматик маълумотлар билан бойитилган. Яна бир сарлавҳа остида *de*-феълнинг ясовчи қўшимчалари, шунингдек, ундан бошқа сўз туркумлари хосил қилувчи қўшимчалар ҳақидаги маълумотларни ҳам айтиш бу бўлимдан олишимиз мумкин. Тўртинчи бўлимда ушбу феълнинг синтактик вазифалари тўғрисида сўз боради. Унда *de*- феълнинг бўлишсиз шакли гап таркибида ҳар доим ҳам кесим бўла олмаслиги мисоллар билан таҳлил қилинади. *de*-феълнинг маъно томони бешинчи бўлимда ёритилган. Бунда ушбу феълнинг турк тилида “ном бермоқ, атамоқ”, “англатмоқ”, “ўйламоқ”, “бирор тўхтамга келмоқ”, “турли овоз чиқармоқ”, “истамоқ”, “қабул қилмоқ, маъқулламоқ”, “бўлмоқ”, “сўрамоқ”, “гапирмоқ”, “жавоб бермоқ” каби маъноларга эга эканлиги аниқланган ва ҳар бир маъноси бир неча жумлалар мисолида далилланган. Ушбу бўлимдан *de* феълнинг семантик майдони ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олган бўлиб, унинг архисемантик тузилиши маълум семалар асосида ёритилган. Тадқиқотнинг кейинги бўлимида *de*-феълнинг кўчма маънолари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари тилшунослик билимлари асосида таҳлил қилинган. Саккизинчи бўлимда ушбу феълнинг фразеологик бирликлар ичида келиши ўрганилган. Сўнгги бўлимда эса *de*-феълнинг юқорида таҳлил қилинган жиҳатлари юзасидан тадқиқотчининг умумий хулосалари берилган. Бунда муаллиф турк тилида *de*- феълнинг бошқа феъллар каби бир феъл бўлгани билан бир қаторда, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам кўп эканлигини айтиб ўтади. Унинг фикрича, *de*- феълнинг бу каби ўзига хосликларини тўлиқ таҳлил қилиш бошқа феъллар ёрдамида амалга оширилади.

Ушбу монографик ишга тадқиқотчи Habibe Yazıcı Ersoy “Dil Araştırmaları” номли илмий журналдаги мақоласи³³ да юқори баҳо беради ва куйидаги фикрларни баён қилади: “Шубха йўқки, биргина феълнинг грамматикасини, айниқса, демоқ феълдай туркчада кенг қўлланилувчи феълнинг тарихий даврлар оша мисоллар билан лингвистик, яъни стилистик, семантик ва яна бир қанча соҳалар доирасида таҳлил қилиш мураккаб ишдир. Ана шундай мураккаб ва оригинал лингвистик тадқиқотни олиб боргани ва бу йўлда тажриба мактаби яратгани учун муаллифга ташаккуримизни изҳор этамиз”³⁴.

Умуман олганда, замонавий турк тилшунослигида бир сўзнинг турли лингвистик жиҳатларини қамраб олган ҳолда ёзилган илмий ишлар сони ортиб бормоқда. Юқорида таҳлил қилганимиз тадқиқот эса биринчи марта феълга бағишлангани билан ана шундай монографик ишлар орасида муҳим ҳисобланади. Бу ўз навбатида кейинги тадқиқотлар учун замин яратади.

4. Ўзбек тилшунослигида феълларнинг ўрганилиши

Замонавий ўзбек туркологиясида феъл тадқиқи юзасидан амалга оширилган ишлар талайгина. Тилшунос олимлар Ғ. Абдурахмонов ва А. Рустамов “Навоий тилининг грамматик хусусиятлари” номли монографияларида Навоий ижодидаги феъллар тадқиқига алоҳида боб ажратадилар ҳамда уларни ҳозирги ўзбек адабий тили грамматикаси асосида таҳлил қиладилар. Ушбу бобда Навоий асарлари тилидаги феълларнинг нисбат категорияси, бўлишли-бўлишсизлик шакллари, вазифадош шакллари, майл ва шахс-сон шаклларини тадқиқ қилиш ёрдамида уларнинг услуб жиҳатларига ҳам тегишли қимматли маълумотлар берилган. Жумладан, муаллифлар Навоий тилида *-l* қўшимчаси фақат мажхул нисбат ҳосил

³³ Habibe Yazıcı Ersoy. Muna Yüceol Özözen, *de- Fiilin Grameri //Dil Araştırmaları*. Sayı: 7. Güz 2010. 169-172 ss.

³⁴ Ўша мақола, 172-б.

килиши, *-n* кўшимчаси эса асосан ўзлик нисбати ясабини таъкидлайди. Фикрлари тасдиғи сифатида Махдихондан қуйидаги қарашлар келтирилади. “Мабони ул-луғат”да *yasannaq* билан *yasannaq* феъллари мисолида *-l* билан *-n* нинг фарқини “агар сохтан аз жониб-и ғайр бошад бо лом ва агар фи нафсиҳи бошад бо нун мазкур мегардад” (агар ясаш ўзга томондан бўлса, *-l* билан, агар ўзи томонидан бўлса *-n* билан айтилади), дейди ва қуйироқда *yasannaq* билан *yasannaq*нинг икки хил маънода (*yasannaq*нинг мажхул, *yasannaq*нинг эса ўзлик нисбатида) ишлатилганига “Махбубу-л-қулуб”дан “китоблар тасниф *qililsa-yu* мужалладлар *bitilsä*” жумласини ва “Назму-л-жавохир”дан қуйидаги байтни мисол тарзида келтиради:

Qarilīg erür könligä sīnmaq hasrat;

Jānīğa qarilīgnī *qilinmaq* hasrat (санглоҳ,4)³⁵

Олимлар Навоий тилидаги феълларнинг замон категориясини тадқиқ қилар экан бир мунча баҳсли жиҳатларга аниқлик киритадилар. Тилшунос олим Ш. Шукуров “Настоящее и будущее время глагола в письменных памятниках староузбекского языка”³⁶ номли тадқиқотида *-tur-*, *oltur-*, *yur-*, *yat-* феъллари асосида *ur-biz*, *ur-sen*, *ur-tur* кўшимчали феълларни “настоящее время данного момента” дейди. Ғ. Абдурахмонов ва А. Рустамовлар бу фикрга қўшилмайдилар. Улар бундай кўрсаткичли феълларни натижали ўтган замон шакли (иш-ҳаракатнинг нутқ пайтидан аввал бажарилиб, натижаси нутқ пайтида ҳам давом этаётганини билдиради³⁷)да, деб қарайдилар. Чунки, биринчидан, бир формага, айрим феълларнинг семантикасига қараб, икки хил замон формасининг номини бериб бўлмайди, иккинчидан, мазкур формада *tur*, *oltur* сингари феъллардаги ҳаракат ҳам нутқ пайтидан олдин содир бўлиб, унинг натижаси, яъни ҳаракат бажарилгандан кейинги ҳолатигина нутқ пайтида давом этаётган бўлади. бу

³⁵ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984. 98-99-бб.

³⁶ Шукуров Ш. Настоящее и будущее время глагола в письменных памятниках староузбекского языка. АКД, – М. 1960.

³⁷ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984. 123-б.

эса уни ҳозирги замон формаси дейишга асос бўла олмайди³⁸, – деб ҳисоблайдилар.

Муаллифлар ўз карашларини қуйидагича давом эттиради: “Натижали ўтган замоннинг учинчи шахси ҳозир *-(i)pti*, *-(i)ptilār*, орфографик *-(i)bdi*, *-(i)bdilār* шаклини олган ва бу форма маъно жихатдан ҳам анча ўзгарган. Ҳозир бу замон формаси сўзловчи ўз кўзи билан кўрмаган иш-ҳаракатни ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Шунинг учун ҳам, ҳозирги замон ўзбек тили грамматикаларида бу форма “ўтган замон эшитилганлик феъли”, “прошедшее субъективное время”, “прошедшее неопределенное”³⁹ деган номларни олган. Навоий тилида бу феъл формасида эшитилганлик маъноси йўқ:

„, yoq ul nav’ dilkaš yar jahānda

Kögür-men anī-yu bolmīš-men anda (x, 194 a)”⁴⁰.

Тадқиқотнинг “Кўмакчи феъллар” қисми ҳам диққатга лойиқ. Унда Навоий тилида ҳозирги замон ўзбек тилидаги кўмакчи феълларнинг деярли ҳаммаси ишлатилади⁴¹, дейилади. Шунингдек, Навоий тилида *kelmāk* феъли ҳам *bolmaq* ва *emāk* маъноларида кўмакчи феъл ва ҳатто боғлама сифатида ҳам ишлатилиши (Söz-ki jān gulšanīda *keldi* nasīm, Bal köñül bahri icrā durri yatīm (x, 102б.) Ёки: Masnaviy-kim burun dedim anī, sözdā *keldi* vasī’ maydānī (x, 102б.)); *tapmaq* феъли ҳам кўмакчи феъл вазифасида келиши (Kök *tapir* sayr-u yer sukun sendin, Biri sarkaš, biri nigün sendin (x, 103a)); *tüšmāk* феъли ҳам *bolmaq* феълнинг синоними сифатида келиб, кўмакчи феъл вазифасини

³⁸ Ўша асар, ўша бет.

³⁹ Қаралсин: Фуломов А.Ф. Феъл. –Тошкент, 1954. 28-б., Ҳозирги замон ўзбек тили. Фаҳри Камол таҳрири остида. –Тошкент, 1957. 401-б., Турсунов У., Мухторов Ж. Ҳозирги замон ўзбек тили. –Самарқанд, 1869. 114-б.; Кононов А.Н. Современный узбекский литературный язык. –М. –Л., 1960. с. 220.; Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. –Ташкент, 1961, с. 149.

⁴⁰ Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984. 123-б.

⁴¹ Ўша асар, 137-б.

бажариши мумкинлиги мисоллар асосида исботлаб берилди (Yol nečä tuz yolčığa maqsad qarīb, Xamlığidın tüšsā yıraq yoq ajīb (x, 30a))⁴².

Тадқиқотда Навоий тилидаги феъл ясовчи қўшимчалар алоҳида мавзу сифатида тадқиқ қилинади. Ушбу таҳлил Навоий тили ва, умуман, ўша давр тилидаги айрим феълларни семантикасини очиб берганлиги билан ҳам муҳимдир. Қизиғи шундаки, Навоий тилида айрим ясовчи қўшимчалар форсча сўзлардан ҳам феъл ясаганлиги маълум бўлади. Масалан, *-ra, -r:* туң (кайғу) – *tuңramaq* (кайғурмоқ), *telbā – telbārāmāk* (туркий асослардан); *gandarmaq* – сасимоқ (форсий *ganda* сўзи асосидан). *-la:* *Ustādi Abu Umar ibni Usmān Makkiy anī qarğadī-kim: ilāhiy birāvni aña gumārla-kim* (тайинлаким), *anīñ ayağin keskā-yü dārğa tartqay; bir kün namāzi pešinni guzārladi-yu* (адо эту *bašin muraqqa'ğa tartti, čun nazar qilduk, ... erdi* (“Насойиму-л-муҳаббат”дан). Эслатиб ўтиш жоиз тадқиқотга жалб этилган феъллар “Санглоҳ”дан олинган⁴³. Ушбу таҳлилдан яна бир карра аён бўладики, Навоий асарлари тилида қўлланган феъллар маъновий ҳам услубий жиҳатдан ўзига хос мураккаблик ва айни пайтда, қулайликларга ҳам эгадир.

Умуман олганда, “Навоий тилининг грамматик хусусиятлари” шоир асарлари тилидаги феълларни ўрганишда муҳим манбалардан саналади. Гарчи унда феълларнинг фақат грамматик хусусиятлари ёритилган бўлса-да, ўрни билан уларнинг айрим семантик ва стилистик хусусиятларига ҳам тўхтаб ўтилган.

Туркий ёзма ёдгорликлар тилидаги феъллар тадқиқи ҳақида гапирганда, Қ.П. Содиқовнинг тил тарихи юзасидан амалга ошираётган тадқиқотларини эслаб ўтиш жоиз. Олим “Қутадғу билиг” тили лексикасини тарихий лингвистик аспектда таҳлил қилар экан, асардаги феълларга ҳам тўхталиб ўтади⁴⁴. Таҳлилда кўпроқ феълларнинг грамматик хусусиятларига

⁴² Қаралсин: ўша асар, ўша бет.

⁴³ Қаралсин: ўша асар, 138-б.

⁴⁴ Қаралсин: Садиков. К. Глагол в языке «Кутадгу билиг» - историколингвистический анализ лексики старописьменных памятников. Изд-во «Фан». Ташкент, 1994. С. 90-106.

эйтибор қаратилади. Аммо гап феълларнинг ясалиши ҳақида кетганда уларнинг семантик қирраларига ҳам тегишли маълумотлар берилган.

Қ.П. Содиқов “Туркий тил тарихи”⁴⁵ да ҳам сўзларни туркумларга ажратиб ўрганadi. Шу аснода қадимиятдаги феълларни ҳам грамматик жиҳатдан таҳлил қилади. Бунда феълларнинг ясалишига доир маълумотлар кишининг эйтиборини жалб қилмай қўймайди. Тадқиқотда тил тарихидаги феълларнинг ясалиш қонуниятлари, феъл ясовчи қўшимчалар ҳақида фактга асосланган маълумотлар берилар экан, феълларнинг лексик-семантик маънолари ҳам ёритилади. Муҳими, тадқиқотда масалага ясовчи қўшимчаларнинг қайси сўз туркумидан феъл ҳосил қилиши мумкинлиги томонидан қаралганидadir. Зеро, ушбу усул орқали феълларнинг этимологияси, лексик ва генетик маънолари таҳлиliga тўғри томондан ёндашилади. Масалан, *-qar*, *-ğar*, *-kàr*, *-gär* қўшимчаларининг отдан феъл ясаши айтилиб, қуйидаги мисоллар келтирилади: *atğardî*: 1) отга миндирди – *ol meni atğardî* – у мени отга миндирди; 2) ўтлатди – *ol at atğardî*; *suwğardî* – *ol at suwğardî* – у отни суғарди; *küzgärdî* – *ödläk küzgärdî* – куз бўлди; *başqar*, *qutqar* (*qut* – “эрк, озодлик” сўзидан)⁴⁶.

Олим, шунингдек, ёдгорликлар тилидаги феълларнинг сифатдош, равишдош ва масдар аломатларини; бўлишли-бўлишсизлик, шахс-сон, замон, майл категорияларини ҳамда *turur/durur*, *er* феълларининг ўзига хос жиҳатларини далиллар асосида грамматик таҳлил қилади. Муаллиф гапда феълдан бошқа сўз туркумлари ҳам кесим бўлиб келиши мумкин, бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам, у мантиқан феъл кесимни талаб қилади, деб ҳисоблайди. Ўз қарашларини қадимги туркий тилдаги *turur* феъли асосида исботлаб беради⁴⁷.

Олимнинг фикрларидан фаҳмлаш мумкинки, феъл гап қурилишидаги асосий узв. Чунки гапда асосий ҳукм айнан феъл орқали ифода этилади.

⁴⁵ Содиқов Қ. Туркий тил тарихи. Тошкент, 2009.

⁴⁶ Ўша асар, 176-б.

⁴⁷ Ўша асар, 192-б.

Унинг маъно ва услуб томони эса фикр тугаллигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Феълнинг семантик-стилистик ва валентлик хусусиятларини очиб беришда М.С. Содикова ва С.Х. Муҳамедоваларнинг тадқиқотлари⁴⁸ муҳим аҳамиятга эга. М. Содикова феълларнинг стилистик хусусиятларини семантик аспектда таҳлил қилар экан, шундай дейди: “Экспрессивлик бу фикрнинг таъсирчан, ёрқин, образли, бўёқдор қилиб ифодаланишидир. Стилистик экспрессивликни, эмоционалликни ҳосил қилувчи тил воситалари жуда мураккаб, баъзан, илғаш, илиб олиш қийин бўлган тил ходисаларидир. Феъл туркумида стилистик воситалардан синонимия бой лексик ва грамматик арсенални ташкил этади”⁴⁹.

“М. Содикова ҳаракат феълларини инсон тана аъзоларининг ҳаракатига кўра тасниф қилгани учун тилимиздаги кўплаб ҳаракат муштарак феъллар ушбу таснифдан четда қолган”⁵⁰, – дейди С.Х. Муҳамедова.

Тилшунос олим М.М. Миртожиев тилшуносликда феълларнинг семантик майдонлар назариясига кўра таснифи ҳақида сўз юритиб, шундай ёзади: “С.Х. Муҳамедова ҳолат феълларидан қолган ҳамма феълларни ҳаракат архисемасига эга семантик майдонни таркиб топтиради, деб қарайди. Лекин бу тўғри эмас. У эътиборда тутган феъллар ичида нутқ феъллари, сезги феъллари, мушоҳада феъллари кабилар ҳам борки, улар алоҳида семантик майдон деб қаралмай иложи йўқ. Семантик майдон нуқтаи назаридан қаралганда, уларда умуман ҳаракат семаси эътиборга олинмайди”⁵¹.

⁴⁸ Қаралсин: Содикова М.С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (Семантик аспектда). Дис.фил.фан.док. Тошкент, 1991. 288 б., Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.: Дис.фил.фан.док. Тошкент, 2007. 300б.

⁴⁹ Содикова М.С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (Семантик аспектда). Дис.фил.фан.док. Тошкент, 1991. 21-22-бб.

⁵⁰ Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.: Дис.фил.фан.док. Тошкент, 2007. 48-б.

⁵¹ Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2010. 53-б.

Баъзи олимлар шеърий асарларда, яъни поэтик нутқда феълнинг ҳеч кераги йўқ, деб ҳисоблашган. Г. Рихсиеванинг таъкидлашича, XX аср бошларида Россияда футуризм таъсирида вужудга келган имажинизм оқими янги ва оригинал поэтикани яратмоқчи бўлиб, феълдан воз кечиш тарафдори эдилар. Имажинистлар поэтика аграмматик бўлиши керак деган ғояни илгари суриб, поэтик нутқда феълнинг ҳеч кераги йўқ, деб билишган. Машхур имажинистлардан бири В. Шчершеневич феъл ҳақида фикр юритиш асносида “грамматика оркестрнинг дирижери, кесим кесим синтаксис таёқчаси бўлгани каби феъл – этимологиянинг таёқчаси” деб таърифлайди ҳамда барча поэтик маънони от туркумидаги сўзларга юклаш қулайлигини, сўз ўзагида керакли мақсаднинг берилишини, феъл ва унинг шакллари аҳамиятга эга бўлмаслигини таъкидлайди⁵². Олима ушбу фикрларни инкор этар экан, шеър матнида феъл сўз туркумига оид сўзлар ўзига хос грамматик шакллар ва турли конструкцияларда асарга поэтиклик бағишлаши, феълнинг фикр ифодалашдаги асосий предикатив узв бўлганлигидан, шеърий матнда унга қатор вазифалар юклатилиши, феъл шаклларининг лингвопоэтик тадқиқи орқали унинг янгидан-янги семантик қирраларини очиш имкони вужудга келишини уқтиради⁵³.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек тилшунослигида феъл грамматик жиҳатдан деярли тадқиқ қилиниб бўлган. Унинг семантикаси ва стилистикаси, хусусан, шеърий матндаги маъновий ва услубий томонлари эса яна бир қанча изланишларни талаб этади.

⁵² Рихсиева Г. Шеърий матн поэтикасида феълнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 6-сон. 2008. 98-б.

⁵³ Қаралсин: Ўша мақола, 102-б.

I боб бўйича хулоса

Ушбу боб юзасидан яқунловчи хулосаларимиз шундан иборатки, туркологияда феъл ва унинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар бир неча юз йиллик тажрибага эгадир. Мавзу бўйича илк тадқиқотларни Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғоти-т-турк” асарида учратамиз. Олим ўз асарида сўзларнинг кўпмаънолилигига кенг тўхталар экан феълларга алоҳида эътибор қаратган. Кейинги давр луғатларида Кошғарийнинг феъл борасида илгари сурган қарашлари давом эттирилган ҳолда уни мавзувий гуруҳларга ажратиш ва шу тариқа туркий феълларнинг маъно хусусиятларини батафсилроқ изоҳлаш анъанаси бошланди.

Туркий феълларнинг маънов ва услуб хусусиятларини ўрганишда Алишер Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн” асари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Муаллиф туркий шеъриятнинг устунлиги, асосан, феълларнинг афзаллик ва қулайлиги эвазигадир, деган қарашни илгари суради.

Феъл тадқиқи борасида рус, турк ва ўзбек туркологиясида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритганда, ҳар учала мактабнинг ўзига хос ёндашувларга асосланган катта илмий заҳира эканини эътироф этиш жоиз. Ушбу тадқиқотларда феъл, асосан, грамматик томондан таҳлил қилинган. Қизиғи шундаки, уларда классик матнлар тилидаги феълларнинг маъно ва услуб жиҳатлари деярли очиқланмаган. Шунинг учун ҳам, Навоий тилидаги феълларни семантик ва стилистик томондан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

II БОБ. НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДА ҚЎЛЛАНГАН ФЕЪЛЛАРНИНГ МАВЗУ ГУРУҲЛАРИ ВА МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Сўзлашув билан боғлиқ феъллар семантикаси

Ўзбек тилшуноси М.М. Миртожиев сўзларни маъноларига кўра гуруҳлаштириш тилшуносликда эски усул эканлиги, шу асосда идеографик луғатлар юзага келганлигини таъкидлаган эди⁵⁴. Сўзнинг семантик майдонини назарий жиҳатдан тадқиқ қилишга немис тилшуноси Й. Трир асос солган. У “Немис тилидаги сўз бойлигини семантик майдонларда ўрганиш” монографиясида сўз маъносини, асосан, тушунчаларга боғлаб таҳлил қилган⁵⁵. Ушбу бобда Навоийнинг асарлари тилида қўлланган сўзлашув, кўрув, эмоционал туйғуларни ифодаловчи ҳамда еб-ичиш билан боғлиқ феълларнинг маъно хусусиятларини тадқиқ қиламиз.

Навоий шеърлятида сўзлашув билан боғлиқ феъллар турли маъноларни ҳосил қилади. Шулардан бири *demäk* феълдир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ушбу феълнинг ўн бир маъноси борлиги қайд этилган⁵⁶. Бу маъноларнинг айримлари Навоий шеърларида ҳам учрайди. Қизиғи шундаки, *demäk* лексемасининг ғазалларда келувчи айрим семалари ЎТИЛда берилган эмас, демак бу маънолари ҳозирги ўзбек адабий тилида унутилган.

Ушбу феълнинг ЎТИЛда бош маъноси сифатида қайд этилган “ўз фикрини оғзаки ёки ёзма тарзда ифода қилмоқ, айтмоқ, сўзламоқ, гапирмоқ”⁵⁷ кабилар Навоий лирикасида ҳам бош сема сифатида келади:

Eu Naväiy, jān alip *dedi* beräy kāmij valek

Dam ura alman aḡa hāli bu alḡu bergüdin (НШ.250)⁵⁸.

⁵⁴ Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2010. 53-б.

⁵⁵ Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.: Дис.фил.фан.док. Тошкент, 2007. 57-б.

⁵⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент., 2006. 1-жилд, 595-б. (Кейинги ўринларда ушбу адабиёт ЎТИЛ деб берилади)

⁵⁷ ЎТИЛ., 1-жилд, 595-б.

Ёки:

Hajr ara dardim davāsīn yār muškul, *dep* emiš,
Rahm agar qīlsa, anīḡ allīda āsāndur davā (БВ.18).

Ёки:

Ham *demāgidā* yoq e'tibāre kišigā,
Ham qīlmaḡīda yoq ixtiyāre kišigā.
Taqdir ara čun yoq iqtidāre kišigā,
Ne qīlḡanīḡa ne erk bare kišigā (FC.4).

Ёки:

Közündin ham köḡül, ham jānda āšub,
Demāy jān-u köḡül davrānda āšub (HШ.33).

Ёки:

Dedim: aytay husni vasfī birlā 'išqīm hirqatīn,
Bilmādimkim, til bular vasfin demāktā lāl emiš (БВ.132).

Шоир лирикасида *demāk* лексемасининг бир неча ўринда “ҳисобламоқ,
деб билмоқ, деб санамоқ, таъкидламоқ” каби семасини учратамиз:

Ču 'išqsiz edi zuhd ahlī keldi nābāliḡ,
Erürlār atfāl, el garči *der* alarnī šuyux (HШ.57).

Ёки:

Čin kiyigi *desām* közin, vah, nedurur itāb aḡa,
Čunki qarasi körgüzür har sarī mušk-i nāb aḡa.
Va'da-yi vasl etip edi, tušta ayaḡin opmīšam,
Demā Navāiy, ul pari äylāmāsün hisāb aḡa (HШ.6).

Ёки:

Navāiy aškiga *dersen* ne yaḡliḡ mavj tapmīš qan,

⁵⁸ Навоий асарлари бўйича қисқартмалар: *FC* – Алишер Навоий. Фаройиб ус-сиғар. Мукамал асарлар тўплами, 3-том. – Тошкент: Фан, 1988.; *HШ* – Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. 4- том. –Тошкент: Фан, 1989.; *БВ* – Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат., 5-том. – Тошкент: Фан, 1990.; *ФК* - Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. 6-том. – Тошкент: Фан, 1990.; *МЛ* – Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Йигирма томлик, ўн олтинчи том. – Тошкент: Фан, 2000.

Bağır çağ olsa, ul qan bu suğa āsān erür mamzuj (НШ.51).

Қуйидаги байтларда *demäk* феъли “атамоқ, тасвирламоқ, деб атамоқ” маъносида келади.

Ey Navāiy, tanma, gar *der* ul pari majnun seni,
Āšiq olğaymu parigā, ulki majnun bolmasa?! (БВ.14)

Ёки:

Lablarīñ šarbatīnī čašma-i hayvānmu *deyin*?
Demäsām čašma-i hayvān, ne *deyin*, jānmu *deyin*?(НШ.255)

Ёки:

Burun qadam bu makāndīn ču lāmakān qoyduñ,
Ne nav *deyki*, anīñ gāmi erdi gardunsa (НШ.3).

Ушбу феъл “огоҳлантирмоқ” маъносида шоирнинг лирик асарларида тез-тез учрайди:

Bihil et sen dağī men xastağa, lekin *dep* edim
Har nekim keldi seniñ allīnga bir-bir saña (НШ.9).

Ёки:

Jān-u köñül nečā *dedi* asralī özni, kelgäč ul,
Vah, yana qozğalışdīlar körgäč anī ičīn ara (НШ.11).

Demäk феъли Навоий шеърлятида “тайинламоқ, буюрмоқ, илтимос қилмоқ” маъносини ҳам ифодалайди:

Özgā yüzgā baqma *dep*, bir-bir közümgā bastī muhr,
İynäk-iyñäk har qara bir naqši xātamdur maña? (БВ.7)

Ёки:

Men qačan *dedim* vafā qilğil maña, zulm äylädiñ,
Sen qačan *dediñ* fidā bolğil maña, boldum saña (ҒС.22).

Шоир ижодида ушбу феъл “истамоқ, хохламоқ” маъносида ҳам келади:

Zamāna tärkini kām äyläbän xaläs olğil,
Desänki, salmasa nākāmlīğ zamāna saña (БВ.10).

“Хазойинул-маоний”даги ғазалларда *demäk* феълнинг “таъкидламоқ, уқтирмоқ, ... деб даъво қилмоқ” семасини ҳам учратамиз:

Dedimkim: dahr bāğīda yoq ermiš men kibi bulbul,

Dedikim: barmu ermiš gül uzāre men kibi hargiz (БВ.113).

Ёки:

Eyki, *dersen* pāk husnumdeg jamāl ahlīda yoq,

Men kibi ‘išq ahlīnīḡ ham qayda ‘išqī pāki bar (БВ.99).

Ёки:

Yüz balā kelsā çek emdi, ĉu bu iš man’i uĉun,

Neĉākim pand *dedim*, qīlmađī ta’sir saḡa (НШ.9).

Навоий шеърларида ушбу феълнинг “хабар бермоқ” семаси хам учрайди:

Dedilār, birāv saldī davrāḡa āšub,

Navāiy ul āšubi davnānmu erkin?(НШ 261)

Қуйидаги байтда *demāk* феълнинг такроран келиб, бир ўринда “сўрамоқ”, иккинчи ўринда “жавоб бермоқ” маъноларини билдиргани диққатга сазовор:

Dediḡ, fanā nedurur, muxtasar *deyin* ölmāk

Ki, šarhīnī tilāsāḡ, yüz risāla bolḡusīdur (БВ 106).

Шоир лирикасида *demāk* феъли “*hay*” сўзи билан бирикиб, “демакнинг қисқа фурсатини ” ифодалайди:

Hay-u huy āylābān özni nafase xuš tutkim,

“Hay” degānĉā ne sen olḡuḡ arada, ne ahbāb (ФК.22).

Мана бу байтда эса *demāk* лексемаси *ne* сўзи билан бирга келиб, “истамоқ, хохламоқ” маъносини ифодалайди:

Derki, marham yaqayīn zahmīḡa,

Ul *nekim desā*, Navāiyḡa yaqīr (БВ.36).

Навоий шеъриятида ушбу феъл мақсад эргаш гапли қўшма гаплар таркибида равишдош шаклида келиб, эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади:

Örtänürmen, köḡligā andīn asar bolḡaymu dep,

Bolsa ta’sir, aḡa hālīmdīn xabar bolḡaymu dep (БВ.33).

Хулоса қилиб айтганда, Навоий шеърлятида *detäk* лексемаси қуйидаги семаларни ифода этади: *ўз фикрини оғзаки ёки ёзма тарзда ифода қилмоқ, айтмоқ, сўзламоқ, гапирмоқ; ҳисобламоқ, деб билмоқ, деб санамоқ, таъкидламоқ; атамоқ, тасвирламоқ, деб атамоқ; оғоҳлантирмоқ; тайинламоқ, буюрмоқ, илтимос қилмоқ; истамоқ, хохламоқ; таъкидламоқ, уқтирмоқ, ... деб даъво қилмоқ; хабар бермоқ; сўрамоқ; жавоб бермоқ; “haу” сўзи билан бирикиб, демакнинг қисқа фурсати; не сўзи билан бирга келиб, истамоқ, хохламоқ.* Шунингдек, *detäk* феъли шоир лирикасида равишдош шаклида келиб, эргаш гапни бош гапга боғлайди ва мақсад эргаш гапли қўшма гапни ҳосил қилади. Муҳими шундаки, мазкур маъноларнинг ҳар бири Навоий бадиияти равонлигини таъминлаган, турли бадий-тасвирий воситаларнинг яралишига асос бўлган.

Сўзлашув билан боғлиқ феъллар гуруҳига кирувчи *sözlämäk* феъли Навоий асарлари тилида кенг қўлланган. ЎТИЛда *sözlämäk* феълнинг “оғзаки равишда фикр баён этмоқ, гапирмоқ; нутқ, маъруза қилмоқ; ифодаламоқ, намоён этмоқ” каби маънолари бор экани қайд этилган⁵⁹. Ушбу феъл шоир асарларида турли маъноларни ифодалаб келади. Қуйидаги байтда *sözlämäk* феъли “гапирмоқ, баён этмоқ,” маъносида келган:

Ey Navāiy, *sözlä* vāqī dāstānīm ’išq ara

Kim, bu dam Farhād-u Majnun qissasi afsānadur (ФК.88).

Sözlämäk феъли бир неча ўринда “суҳбатлашмоқ” маъносини ифодалайди:

Baski šavquŋ ġālib olmiš telbalardek, ey pariŋ,

Yoqturur tun-kün xayaliŋ birlä *sözläp* hārmağim (ФК.209).

Ёки:

Gar boluban nāgahān tāli musāid baxtiyār,

Tapsaŋ ul ay birlä *sözlaşgünčä* miqdār, ey köŋül (НШ 202).

Ёки:

⁵⁹ ЎТИЛ. 3-жилд, 610-б.

Furqat ayyāmida har birniñ başıǵa kelgānin,
Yüz tuman hamdardlıǵlar birlä har dam *sözläšip* (ФК.30).

Ёки:

Ne quvvat birlä šah gustāh *sözläšgäy* anıñ birlä
Ki, vahm etkäy başıǵa sāya salmaqtın xumā gustāx (ФС.71).

Ёки:

Sözläšürdä öz-özüm birlä junun ahli kibi,
Ul parivaš bel-u aǵzı, qıl-u qālī birlämen (БВ.250).

Шоир ижодида *sözlämäk* феъли кўчма маънода келиб, “намоён этмоқ,
овоз чиқариб борлигини билдирмоқ” маъносини ташийди:

Jānīm ara ot la’li suxandāniñ uçun,
Yüzüm üzä kavkab mahi tābāniñ uçun,

Ёки:

Köksümdä alif sarvi xirāmāniñ uçun,
Sözläp, yüz açır kel bu taraf jāniñ uçun (ФС.406).

Демак, Навоий шеърияти тилида *sözlämäk* феъли гапирмоқ, баён этмоқ;
суҳбатлашмоқ ва намоён этмоқ, овоз чиқариб борлигини билдирмоқ
маъноларида келган.

Ушбу гуруҳ феълларидан яна бири *aytmaq* лексемасидир. Ушбу феъл
Навоий лирикасида “сўзлаб бермоқ, маълумот бермоқ” маъносида келади:

’İšqiniñ yüz miñ balāsīnkim yašurdım xalqdın,
Yiğlaban ul vāqifi asrāri pinhānimğa *ayt* (ФК.43).

Ёки:

Bir qadah tutqay deb ul kāfir, kiribmen dayrǵa,
Aytıñ, ey kufir ahlikim, ul nāmusulmān qaydadur (ФК.89).

Шунингдек, шоир лирикасида арабча *takallum* сўзи туркий *äylämäk*,
etmäk сўзлари билан бирикиб, “суҳбатлашмоқ, талаффуз қилмоқ”
маъноларида келади:

Ul pari köñlümdädürkim, sözläšürmen demäkim,
Telbalikdin öz-özüm birlä *takallum äyläräm* (ФС.240).

Ёки:

Labiñ takallum etip, sözdä läl qıldi meni

Äçildı zulfuñ-u äşuftahäl qıldi meni (FC.333).

Хулоса шуки, Навоийнинг шеърӣ асарлари тилида сўзлашув феъллари алоҳида аҳамиятга эга. Муҳими шундаки, шоир ушбу гуруҳ феълларини фақат ўз маъносида қўлламайди. Балки бу феъллар ёрдамида турли ифодаларни беришда усталик билан фойдаланади. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган *gapirmaq* феъли Навоий асарлари тилида учрамайди.

2. Кўрув феъллари семантикаси

Тилшунос олима Г. Рихсиева таъкидлаганидек: Феъл туркий гап курилишида муҳим узв саналади. Феъл матнда зарурий шаклда қўлланиши жараёнида муайян мақсад учун хизмат қилади: бирор ҳукми ифодалашда, фикрларни шакллантиришда асосий “юк”ни олади⁶⁰. Феъл шаклларининг лингвопоэтик тадқиқи орқали унинг янгидан-янги семантик қирраларини очиш имкони вужудга келади⁶¹.

Алишер Навоийнинг шеърӣ асарларидаги феълларни семантик жиҳатдан тадқиқ қилиш ёрдамида шоирнинг айна сўзларни қўллаш маҳорати нечоғлиқ юқори экани маълум бўлади. Бу эса туркий феъллар маъно кўламининг жуда кенг эканини амалда исботлайди.

“Хазойинул-маоний”даги лирик шеърларда қўлланган кўрув феъллари ўзига хос семантик маънолар кашф этган. Кўрув феъллари гуруҳига кирувчи лексемалардан бири *baqmaq* феълдир. Ушбу феъл Навоий лирикасида қуйидаги маъноларда келади:

⁶⁰ Қаралсин: Рихсиева Г. Ташхис санъатида феъл туркумидаги сўзларнинг аҳамияти // Тилшунослик, 3 – 4 (24)-сон. Тошкент. 2009. 34-б.

⁶¹ Қаралсин: Рихсиева Г. Шеърӣ матн поэтикасида феълнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 6-сон. 102-б. 2008.

ЎТИЛда “назар ташламоқ, назар солмоқ, қарамоқ” кабилар *baqmaq* лексемасининг бош семаси сифатида келтирилган⁶². *Baqmaq* феълининг айни маъноси Навоий шеъриятида ҳам учрайди ва етакчи сема ҳисобланади:

Özgä yüzgä *baqma* dep, bir-bir közümgä bastı muhr,
İynäk-ıynäk har qara bir naqşı xātamdur maṇa (БВ.7).

Ёки:

’İşqī çu elgä ot yaqır, ikki közüm suyı aqır,
Har sarikim külä *baqır*, dard ilā bizni yığlatır (БВ.29).

Навоий лирикасида *baqmaq* феъли “фикран назар ташламоқ, кўз олдига келтирмоқ, кўздан кечирмоқ” каби семани ифодалайди:

Navāiy nazmiğa *baqsan*, emästür,
Bu üçniñ hālīdīn har baytı xālī (ФК. 382)

ЎТИЛда ҳам *baqmaq* феълининг ушбу маъноси қайд этилган.

Қуйидаги байтнинг биринчи мисрасида *baqmaq* феъли кесатик маъносидаги “илтифот қилмоқ, қўллаб-қувватламоқ” семасини, иккинчи мисрасида эса “даволамоқ, шифо бермоқ, хабар олиб қўймоқ, кўнглини кўтармоқ” семасини ҳосил қилган:

Zār köñlümğä agar *baqır* anī zār äylädiñ,
Jāni bemārīmğä ham *baq*, jismi afgārīmğä ham (БВ.218).

Феълининг ушбу семаларидан ҳар иккаласи ҳам ҳозирги ўзбек тилида мавжуд экани ЎТИЛда қайд этилган.

Навоий ғазалларида *baqmaq*нинг “тафаккур қилмоқ, чуқур ўйламоқ” каби маъноси борлигини ҳам кузатишимиз мумкин (феълининг ҳозирги ўзбек тилида ушбу маъноси борлиги ЎТИЛда берилмаган):

Yārğä hālīn demäkkä anča yaxşī yārī bar,
Eu köñülkim, yaxşī *baqsan*, men yamandīn kim desün? (БВ.241)

Ёки:

Gar dahr arusiğa dedim bermä köñül, *baq*:

⁶² ЎТИЛ, 5 жилдли, 1- жилд, 348- б.

Muxtālamu purhiylamu makkārmu ermās (БВ.124).

Ёки:

Har kün ul ay intizārīdīn küyübmen anča-kim,

Baqsa, bir hijrān tūničā bar ekin har intizār (ФК.82).

Шоир лирикасида *baqmaq* феълнинг “... деб хисобламоқ, ... деб ўйламоқ” семаси ҳам учрайди:

Ölmāgimni *baqma* hijrānīñda, ey sultāni husn,

Qatl hukmi qīlsa šāh ne erki bar jallādnīñ (ФС.202).

Қуйидаги байтда *baqmaq* феъли “хабар топмоқ, кузатмоқ” маъносида келган:

Men gadā mast-u xarābāt ara ilgimdā safāl,

Baqsa Jamšid bu iqbālīma bolğay hāsīd (НШ.68).

Ушбу феълнинг Навоий шеъриятида *köñül* сўзи билан бирикиб, “боғланиб қолмоқ, севиб қолмоқ” маъносида келишини ҳам кузатиш мумкин:

Nāz oqīn jān bilā jismīmğā urup xud ottuñ,

Baqki, qaldī *baqīban* yalbara-yalbara *köñül* (ФС.215).

Шунингдек, шоир лирикасида ушбу феъл “тингламоқ, қулоқ солмоқ” каби маънода қўп бора келганлигини кузатишимиз мумкин. Бунда *baqmaq* феъли *uzr*, *fiğān*, *afğān* отлари билан сўз бирикмаси ҳосил қилиб, “арзини эшитмоқ, дардига қулоқ тутмоқ” маъносини ифодалайди (мазкур сема ҳам ЎТИЛда қайд этилмаган):

Vasliñgā keçrāk yetişsām, lutf etip uzrumğā *baq*

Kim, qadam ornīn süpürmäy köz ilā qouman ayaq (НШ.163).

Ёки:

Dedi safarda sutun birlä bārgāhīmdur.

Kišiki, *baqtī* falak birlä dud-i āhīmğā (ФС.299).

Ёки:

Falak *baqtī fiğānīmğā*, ajal rahm etti jānīmğā,

Hazānliğ bostānimğā güli bāği jānān keldi (ФС.323).

Навоий тилида *baqmaq* феъли *yol* сўзи билан бир ўринда келиб, “кутмоқ, интизор бўлмоқ” семасини ҳосил қилади:

Ul quyaş hijrānīda har tūn iki muṅluḡ kōzūm,
Taṅḡa tegrū subhidam *yoliḡa baqīp* telmūrūr (FC. 99).

Ёки:

Vahki ul šox barīp, jānīma ot saldī yana,
Telmūrūr iki kōzūm *yolḡa baqīp* qaldī yana (FC.297).

Яна шоир ижодида *baqmaq* феъли кириш сўз вазифасида келиб, “таъкид”, яъни тингловчининг нутқ жараёнига бўлган диққатини ошириш учун хизмат қилади:

Nāz oqīn jān bilā jismimḡa urub xud ottuṅ,
Baqki, qaldī baqīban yalbara-yalbara *kōṅül* (FC. 215).

Хулоса қилганда, *baqmaq* феъли Навоий лирикасида *назар ташламоқ*, *назар солмоқ*, *қарамоқ*; *фикран назар ташламоқ*, *кўз олдига келтирмоқ*, *кўздан кечирмоқ*; *илтифот қилмоқ*, *қўллаб-қувватламоқ*; *даволамоқ*, *шифо бермоқ*, *ҳолидан хабар олмоқ*; *тафаккур қилмоқ*, *чуқур ўйламоқ*; *тингламоқ*, *қулоқ солмоқ*; *кутмоқ*, *интизор бўлмоқ*; ... *деб ҳисобламоқ*, ... *деб ўйламоқ*; *хабар топмоқ*, *кузатмоқ*; *боғланиб қолмоқ*, *севиб қолмоқ*, шунингдек, кириш сўз вазифасидаги *таъкид* маъноларига эга. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ушбу феъл Навоий лирикасида кўмакчи феъл тарзида учрамайди.

Кўрув феъллари семантик майдонини ташкил этувчи лексемалардан яна бири *kōrmäk* феълдир. Ушбу феъл Навоий лирикасида турли маъноларда келади. ЎТИЛда “кўриш қобилиятига эга бўлмоқ, киши ва нарсаларнинг, борлиқнинг кўриниши қандайлигини фарқлай олмоқ” кабилар *kōrmäk*нинг бош семаси сифатида берилган⁶³. *Kōrmäk* лексемасининг айни шу маъноси Навоий шеъриятида жуда кўп учрайди ва етакчи сема ҳисобланади:

Özlügümüni 'aşk eltip, özdin andaq yātmen

⁶³ ЎТИЛ. 2- жилд, 470-б.

Kim, özümni tanıman, aksimni ham *körsäm* suda (БВ.15).

Ёки:

Ün çekärmen 'işq ara, bir nargisi jādu körüp,

Bağlağan itdegki, faryād äylägäy, āhu *körüp* (БВ.33).

*Körmäk*нинг ЎТИЛда қайд этилган “дуч келтирмоқ, учратмоқ” маъноси ҳам “Хазойину-л-маоний” даги лирик шеърларда тез-тез такрорланади:

Xoblarni arz qıldim, qılmadi köñlüm pisand,

Ani *körgäç* ixtiyārī qalmayin dedi bu xob (ФС.40).

Ёки:

Neç şah tapmadi bir xan sendeg,

Bu ulus *körmädi* mehmān sendeg (ФК.358).

Ушбу феъл шоир ғазалларида “туймоқ, ҳис қилмоқ, илғаб олмақ” маъносида ҳам келади:

Ey Navaiy, yar vaslin tapmasan yoqtur ajab,

Noş yoq, lekin *körär* yüz niş güldin andalib (БВ. 27).

Навоий ижодида *körmäk* лексемасининг худди *baqmaq* каби “эшитмоқ, кулоқ солмоқ” семасини ҳам учратамиз:

Xasta jānim za'fin anla, köñlüm afgānīn *körüp*,

Sorma köñlüm yarasin, fahm et közüm qanin *körüp* (ФС.44).

Шоир лирикасида *körmäk* феъли “гувоҳи бўлмақ” маъносида ҳам келади:

Ne huş qaldī maņa, ne tāqat, ne sabr qaldī maņa, ne ārām,

Çu *kördi* ölgüm, külüp tola qıldi bāda daryāsī icrā zavraq (НШ.164).

Навоий шеърлятида ушбу феъл от ёки сифатлар билан бирикиб, “... деб билмоқ, ... деб ўйламоқ” маъносини ташийди:

Telbalik *körkim*, qučarmen bāğ ara har sarvīn,

Birisi ul sarv qadd-i siymbar bolğaymu dep (БВ.33).

Ёки:

Neçä bayramlarda kiygän jandasin faqr ahlīnīñ

Xār körmä, eyki xil'atdur neçä alvān saņa (НШ.9).

Ёки:

Ulki toqqiz čarx ayvāni özün kör *kördi past*,

Čun nazar saldī biyik dargāhīni kiryāsīğa (НШ.297).

Körmäk феъли *vafā* сўзи билан бир ўринда келиб, “топмоқ, эришмоқ”

маъносида келади:

Demān davrān ara yoqtur *vafā* āylāp *vafā körgān*

Ki, yoqtur miñ *jafā tartip*, qutulğan, bir *vafā* āylāp (БВ.32).

Ёки:

Kim *vafā* gül čehralardīn *kördikim*, men *körgāmen*,

Bolmas ušbu ayb ilā ul dilrabāni *körmāsām* (НШ.229).

Мазкур феъл форсча *мумкин*, *муносиб* маъносини англлатувчи *ravā* сўзи билан бирикиб, “мумкин топмоқ, муносиб кўрмоқ” маъносида келади⁶⁴:

Qaçan davrān meñā bir böylā išratni *ravā körgāy*

Ki, örgätmiš meni örtärgä hijrān dard-u dāğinda (ФС.29).

Лирик шеърларда *körmäk* феъли “айрим сўзлар билан бирикиб, шу сўз билдирган иш-ҳаракатни амалга оширмоқ” каби маънони ифодалайди (Мазкур феълнинг ҳозирги ўзбек тилида ҳам шу маънода келиши ЎТИЛда қайд этилган):

Kečā zulfuñni *tuš kördüm parišān*,

Bu kündür *xātirim asru mušavvaš* (НШ.134).

Қуйидаги байтда ҳам шу маънода бўлиб, *mehnat* (машаққат, оғирчилик⁶⁵) *körmäk* – “машаққатни бошдан кечирмоқ” маъносини англлатяпти:

Qavm – qavm ičrä *körüp mehnatlar*,

Xayl – xayl ičrä çekip šiddatlar (ФК.373).

Навоий ижодида *körmäk* феъли кириш сўз вазифасида келиб, “таъкид” маъносини билдиради:

⁶⁴ Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 518-б.

⁶⁵ Ўша луғат, 389-б.

Ҳақа ҷākīdīn hajr tašrifīnī

Körünkim, yeläk boldi köñläk maņa (ФК.7).

Ёки:

Körmäyin közlär qačan keldi bašimğa yüz balā,

Kör, nelär keltürdi bu yüzi qaralar bašima (НШ.290).

Körmäk феъли Навоий лирикасида кўмакчи феъл бўлиб келади ва “бирор иш-ҳаракатни амалга оширишга уриниб кўрмоқ” маъносини беради:

Ey muğbača, dayr iĉrā meni mast etā *körkim*,

Jān qutī köñül quvvatīdur sāfiņ-u durduņ (НШ.182).

Хулоса қилиб айтганда, Навоийнинг лирик асарлари тилида *körmäk* феълнинг кўриш қобилиятига эга бўлмоқ, киши ва нарсаларнинг, борлиқнинг кўриниши қандайлигини фарқлай олмоқ; дуч келтирмоқ, учратмоқ; туймоқ, ҳис қилмоқ, илғаб олмоқ; эшитмоқ, қулоқ солмоқ; гувоҳи бўлмоқ; ... деб билмоқ, ... деб ўйламоқ; топмоқ, эришмоқ; мумкин топмоқ, муносиб кўрмоқ; маълум иш-ҳаракатни амалга оширмоқ(айрим сўзлар билан бириккан ҳолда); кириш сўз вазифасидаги таъкид ва кўмакчи феъл ҳолатидаги маълум иш-ҳаракатни амалга оширишга уриниб кўрмоқ маънолари учрайди.

Юқоридаги гуруҳ феълларидан бири ҳисобланган *telmürmāk* сўзи ҳам шоир лирикасида кўп учрайди. Ушбу феъл “умид билан тикилмоқ, кутмоқ, энтикиб қарамоқ” маъноларини билдиради:

Qīlur köyida it qatlī Navāiy *telmürür* marhum,

Nedinkim ermäs ul yār allīda bu hayl sänında (НШ.280).

Ёки:

Köz yolīda *telmürüp* köñlüm sağınur, kim meni,

İstamaqqa kelgüsi har kimki ĉiqsa ötrüdin (НШ.240).

Ёки:

Navāiy qatliğa ĉun va'da qıldiņ, vafā qīlkim,

Yoluņda telmürüp umredururkim intizār eltür (НШ.96).

Навоий асарлари тилида *nazar, nazzāra, tamāšā, nigāh* каби ўзлашма сўзлар *āylämāk, qīlmaq, bolmaq(olmaq)* сингари туркий феъллар билан

бирикиб, “карамоқ, нигоҳ ташламоқ, кўриб хулоса чиқармоқ” маъноларини ифодалайди:

Gar Navāiy sarī mahšarda *nazar āylāmāsān*,
Saḡar-u nārdeg olḡay aḡa xuld-u māfih (НШ.274).

Ёки:

Sāqiyā, bādaki *nazzāra qīlay*,
Yār aksīnī mayi navšan ara (НШ.12).

Ёки:

Qoyki, ul yūz xānīḡa *nazzāra āylāy* toyḡuča
Kim, közüm bolmiš bu qaht-i husn ayyāmīda ač (НШ.52).

Ёки:

Xalq ba’zi küldi, ba’zi ’ibrat alīp yīḡladi,
Har qačan mufrit jununīmni *tamāšā qīldīlar* (ФК.80).

Ёки:

Fanā dayri gadāyimen, mayim eski safāl ičrā,
Tamāšā āylāp, ey šayxlar, körünḡ ul jām ilā jamlīq (ФК.160).

Ёки:

İngāli köktin balālar zinadur *qīlsaḡ nigāh*,
Hajr otīdīn tartsam tāb-u šikanlīq dudi āh (НШ.275).

Ёки:

Bevafālar ārazī yaḡliḡ tapīp közḡü aḡa,
Har nečākim ehtiyāt-u sa’y ilā *qīldīm nigāh* (НШ.365).

Хулоса қилган ҳолда айтиш мумкинки, Навоийнинг лирик асарларида *baqmaq, körmäk, telmürmäk* каби содда феъллар; *nazar āylāmäk, nazzāra qīlmaq, nazzāra āylāmäk, tamāšā qīlmaq, tamāšā āylāmäk, nigāh qīlmaq* сингари кўшма феъллар кўрув феъллари семантик майдонини ҳосил қилади. Гувоҳи бўлганимиздек, ушбу лексемалар Навоий шеъриятида турли семантик маъноларни ифодалайди. Кўрув билан боғлиқ мазкур семалар муаллиф тили бадииятини ошириш учун хизмат қилади. Қизиғи шундаки, ҳозирги ўзбек

адабий тилида кенг истеъмолда бўлган *qaramaq* феъли Навоий асарлари тилида қўлланмайди.

3. Эмоционал туйғуларни ифодаловчи феъллар семантикаси

Маълумки, шеър шоир ҳис-туйғуларининг натижаси ўлароқ юзага келади. Бундан келиб чиқадики, шеърий асарларда ҳис-туйғуни ифодаловчи феълларнинг ҳам ўрни бўлак. Ушбу бўлимда Навоий тилида қўлланган *külmäk, sevünmäk, quvanmaq, tabassum äylämäk, xanda qilmaq, xandān äylämäk, xandān qilmaq, xandān bolmaq, xurram bolmaq (olmaq), xurram etmäk, äylämäk, yiğlamaq, yiğlamsinmaq, inçrämäk, sinçrämäk, siqtamaq, ökürmäk, inçkirmäk, sevmäk* каби сўзларни эмоционал туйғуларни ифодаловчи феъллар мавзу гуруҳ остида умумлаштириб, уларнинг семантик маъноларини таҳлил этамиз.

Навоийнинг шеърий асарларида *külmäk* феъли бир неча маънони ифода этади. Қуйидаги байтларда ушбу феъл бош маъноси, яъни “хурсандчилигини кулги билан ифодаламоқ” маъносида келган:

*Külsä āğziñ, bolsa ham yāruğ uzāriñ yaxši-kim,
Ğunça xandān turfaraq, gül dađı xuşraqdur açuq* (НШ.168).

Ёки:

*Söz demäy ikki şakardek labikim band olmış,
Külä almastin işi emdi şakarxand olmış* (НШ.133).

Ёки:

*Keçä baskim hālīma gah küldimü, gah yiğladim,
Tun asardur yiğlamaqdin, subh dađı külgüdin* (НШ.249).

Шоир асарларида *külmäk* феъли “маломатга қўймоқ, масхаралаб кулмоқ” маъносини ҳам билдиради:

*Saqāl çiqarğanida tark qilmasam ’išqin,
Ulus külar ham aninç, ham menin saqalimğa* (НШ.360).

Ёки:

May-u maşuq üçün poyamğa *külmän*, ey salāh ahlī,

Yügürmäy netkāmen, čeksā qazā birlā qadar har yan (НШ.242).

Қуйидаги байтларда *külmäk* феъли *çaqin*, *barq* сўзлари билан келиб,
“чақин чакмоқ” маъносини билдирган:

Bul ’ajabliġlar bahāri ’išq ara kör-kim, meni

Gah bulutdeg yġlatur, gahe čaqindeg *küldürür* (ҒС.142).

Ёки:

Turfadur tāġ avjida har lahza *külmäk* barqtin,

Čun bolur mufrit meniġ birlā bulutqa yġlamaq (НШ.163).

Навоий шеърияти тилида *külmäk* феъли *gul*, *ġunča* сўзлари ҳолатига нисбатан қўлланиб, “гулнинг очилиши” маъносини беради.

Xurram oldi baġ-u bir guldin içimdä ġam hanuz,

Küldi har yan ġurča-vu köñlüm işi mātam hanuz (ҒС.175).

Навоий тилида *külmäk* феъли “мамнун бўлмоқ, ниятига эришмоқ” маъносини ҳам билдиради:

Ne huş qaldī maņa, ne tāqat, ne sabr qaldī maņa, ne ārām,

Ču kördi ölgüm, *külüp* tola qıldi bāda daryāsī içrā zavraq (НШ.164).

Шоир лирикасида қўлланган *sevünmäk* феъли “хурсанд бўлмоқ” маъносини англатиб, лирик қаҳрамон ҳис-туйғуларини ифодалаш учун хизмат қилади:

Sevüngil, ey köñül, āxir-ki jisminġ içrā jān keldi,

Quvan, ey jāni mahzun-kim, hayatī jāvidān keldi (ҒС.451).

Ёки:

Safāli dayr durdidin *sevündüm*,

Ne taġ qilsa gadāni jāmi Jam šād (НШ.66).

Навоий ижодида қўлланган *quvanmaq* феъли “шодланмоқ” маъносини англатиб, эмоционалликни ифодаловчи феъллар сирасига киради:

Yar vasliġa *quvandim*, qavdi köyidin meni,

Ey Navāiy, heč kişi davlatqa maġrur olmasun (ҒС.326).

Ёки:

Bas maḡa vayḡān maḡar, sen *quvan*, ey čarxi dun,

Tāqī muḡarnas bilā šamsayi zarkārdīn (ҒС.362).

Навоий тилида форсий *tabassum* сўзи туркий *äylämäk* феъли билан бирикиб, “жилмаймоқ, чехраси ёришмоқ” маъносини ифодалайди:

Šāmī hajrīm taḡsiz olmīš ne ’ajabkim, ’ajzdīn

Šām-deg yīḡlamsīnīp, taḡ-deg *tabassum äyläräm* (338).

Шоир асарларида форсча *xanda* сўзи туркий *qılmaq* феъли билан бирикиб, “ёқимли тарзда кулмоқ”⁶⁶ маъносини билдиради. Яна форсий *xandān* сўзи *äylämäk* феъли билан бирикиб, “кулдирмоқ, шодлантирмоқ”; *qılmaq* феъли билан бирга келиб, “кулмоқ; кулдирмоқ, шод қилмоқ”; *bolmaq* феъли билан бирикиб, “кулмоқ, шод бўлмоқ”⁶⁷ маъноларини ифодалайди:

Ul pariḡ ’išqīda bu devānanī,

Eyki istārsen, kelīp gulxanda kōr.

Bir qadah ul gulnī *xandān äylādi*,

Ey köḡül, nazzāra qīl, gulxanda kōr (БВ.524).

Ёки:

Labki *xandān qīliban* qaš-u közni oynatadur,

Oynay-oynay meni bečāranī qan yīḡlatadur (БВ.110).

Ёки:

Nečā özni yašurup čin yüzgā salīp ḡunča-deg,

Taḡdillarga baqīp, *xandān bolup* bir ham açil (НШ.272).

Ёки:

Ḡam tunī zulmīda *xandān bolmadī* hālīmḡa subh,

Subh-deg ne taḡ-ki, bolḡay čāk pirāhan maḡa (ҒС.34)

Ёки:

Subhdam bedāru giryān bol, agar fayz istāsāḡ

Kim, seniḡ uyquḡḡa *xandān bolmasun* nāḡāh subh (НШ.78).

⁶⁶ Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 648-б.

⁶⁷ Ўша луғат, 648-649-бб.

Навоий тилида форсий *xurram* сўзи, туркий *bolmaq (olmaq)* сўзи билан кўшма феъл ҳосил қилиб, “яшнамоқ, гулламоқ; шод бўлмоқ”; *etmək, äylämäk* феъллари билан бирикиб, “шод қилмоқ, қувонтирмоқ”⁶⁸ маъноларини беради:

Xurram oldi bāğ-u bir guldin içimdä ğam hanuz,
Küldi har yan ğurča-vu köñlüm işi mātam hanuz (FC.175).

Ёки:

Ey visāl ahlī, ul ayniñ dardī hajrīdīn meni,
Köp körüp ğamnāk siz ham asru xurram bolmañiz (HШ.135).

Ёки:

Ul ay firāq ilā qīsmīm ğam etsä näylägäymen,
Visālī ğayrī için xurram etsä näylägäymen (HШ.343).

Эмоционал ҳис-туйғуни ифодаловчи *yīğlamaq* феъли Навоий шеъриятида қўлланган фаол феъллардан биридир. Қуйидаги байтларда ушбу феъл “кўзига ёш олмоқ”, яъни сўзнинг илкин маъносида келган:

Vah, ne kün bolğayki, yetkây vasliğa köz-ü köñül,
Tartıban faryād-u vāvaylā köñül, yīğlap köz (FC.182).

Ёки:

Xalq yīğlap tufraqīm başīda yüz hasrat bilä,
Oqlarni har yan tanīm amačīda xandān körüñ (ФК.242).

Ёки:

Dāstānīmni demāñ yārğa, nevcünki gahe
Yīğlatur, garči gāhe küldürür ul afsāna (HШ.277).

Шоир асарларида ушбу феъл бош маъносидан ташқари бир неча кўчма маъноларни ҳам билдиради, “раҳми келмоқ, ачинмоқ” маъноси шулардан биридир:

Yīğlar ahvālīmğa ham begāna-yu ham āšnā,
Tā ulusqa āšnā, ul ay maña begānadur (ФК.121).

Ёки:

⁶⁸ Ўша лугат, 668-б.

Bardīlar ahbāb-u men *yīǧlarmen* öz ahvālīma,
Karvāndīn qalǧan it yaŋlīǧ-ki, qīlǧay nālalar (FC.137).

Навоий шеъриятида *yīǧlamaq* феъли “дардини тўкиб-солмоқ, ғам-андухини ошкор қилиб қўймоқ” маъносида ҳам келади:

Qoyuŋ *yīǧlay-ki* köŋlümniŋ ğubārī pastraq bolsun
Ki, man’i gard etār nāgah havāda bolsa nam paydā (FC 49).

Ёки:

Yaşurun erdi ğamīm, mufrit qadah ötkān kečā
Yīǧlatip, beixtiyār etkān emiš el ičrā fāš (ФК.184).

Қуйидаги байтда эса *yīǧlamaq* феъли “хурсандлигини кўз ёшлари билан билдирмоқ” маъносини ифодалаган:

Xušturur bir tiyrā šāmī hajr iki yar učrašīp,
Tapīšīp, bir-birlārin mahkam qučušup, *yīǧlašīp* (ФК.43).

Шоир асарларида ушбу феълнинг нарса ва ҳодисалар ҳолатига кўчиш ҳоллари ҳам кузатилди. Бунда шамнинг йиғлаши – “унинг ёниб адо бўлишини”, булутнинг йиғлаши – “ҳаддан зиёд кўп ёғилган ёмғир”ни билдирса, йиғлаётган кўнгил – “юрakнинг безовталиги, кўнгилнинг азоб-укубатлардан қийналаётгани”ни ифода этади:

Rāstlarǧa čarx agar har lahza qīlmas sarzanīš,
Šam’ bas har tun nedin *yīǧlap* küyüp afgān qīlur (FC 77).

Ёки:

Navāiy šam’-deg *yīǧlap*, küyüp hālīmni šarh äyläy,
Ul ay bazmīda bir tun rāst āšiqlarǧa bar olǧaç (FC.96).

Ёки:

Bul ’ajabliǧlar bahārī ’išq ara körkim, meni
Gah bulutdeg *yīǧlatur*, gahe čaqīndeg küldürür (FC.142).

Ёки:

Aql-u dāniš lāfini urǧan köŋül *yīǧlay* yürüy,
Ul parivaš hajrīda devāna boldi āqibat (FC.77).

Yiğlamaq феъленинг мавзу гуруҳини давом эттирувчи феъллардан бири *yīğlamsinmaq* бўлиб, у “йиғламсинмоқ, йиғлагудек бўлмоқ” маъносини билдиради. Ҳозирда бу сўз баъзи шеваларда худди шундай шаклда сақланиб қолган бўлса, адабий тилда *yīğlamsiramaq*, *yīğlamsinmaq* тарзида қўлланилади.

Zāhid `išqin desā-ki, qīlğay fāš,

Yīğlamsinur-u közigä kelmäs yāš (МЛ.62).

Шоир ижодида *yīğlamsinmaq* феъленинг ҳам маъно кўчиш ҳоллари кузатилади. Бунда ушбу феъл табиатнинг қоронғиликка бурканаётганидан безовталанаётгани ҳолатини тасвирлайди:

Šāmi hajrīm taḥsīz olmiš ne `ajabkim, `ajzdīn

Šām-deg *yīğlamsinīp*, taḥ-deg tabassum āylārām (338).

“Муҳокамат ул-луғатайн”да *inrāmāk*, *sinrāmāk* каби феъллар ҳам *yīğlamaq* феъленинг синоними сифатида қуйидагича изоҳланади: *Va inrāmāk-ü sinrāmāk-kim*, “*dard bila yašurun āhista yīğlamaq*”dur va aralarīda tafāvut az tapīlur:

Istāsām davr ahlīdīn `išqīḡnī pinhān āylāmāk,

Kečālār gāh *inrāmākdür* ādatīm gāh *sinrāmāk* (МЛ. 62).

Ёки:

İcīmdä yüz başağ ey gul, ne ayb *inrāsām*,

Alam tapar, tābnīğa anīḡki, barur (ФК.79).

Ушбу гуруҳ феълларидан яна бири *sīqtamaq* сўзидар. Бу феъл ҳозирги ўзбек тилида айни шу шаклда қўлланиб, кўпинча *yīğlab-sīqtamaq* тарзида жуфт феъл бўлиб келади. Навоийда шундай:

Ul ay-ki, külā-külā qīrağlattī meni,

Yīğlattī demāy-ki, *sīqtattī* meni (МЛ.63).

Яна *ökürmāk* сўзи ҳам ушбу гуруҳ феъллари қаторига киради. Ушбу феъл “Муҳокамату-л-луғатайн”да “*Biyik ün bilä-kim, e`tidālsiz āšub bilä yīğlamaq*” (МЛ.63) тарзида изоҳланади:

Mātami hijrānda sāzedur Navāiy jismi-kim,

Nālasidīn zerīnī taqmīš ökürmäktin bamīn (FC.354).

Ёки:

Gar Navāiy mufrit afgān etsä, jānā, qılma ayb,

Sen halāk etkān köñül soñıda yığlar *ökürüp* (HШ.42).

Навоий тилида *ökürmāk* феъли кўчма маънода келиб, “кучли ёмғир ёғиши, бўрон туриши” ҳолатларини ифода этади:

Išim tağ üzrā har yan ašk selābīnī sürmäkdür,

Fıraq āšubīdīn har dam bulut yañlığ *ökürmäkdür* (МЛ.63).

“Муҳокамат ул-луғатайн”да ёзилишича, эски ўзбек тилида *inčkirmāk* феъли ҳам бор бўлиб, у *inčkā ün bilä yığlamoq* маъносини беради:

Čarx zulmīda-ki boğzumnī qırıp yığlar-men,

Igürür čarx kibi *inčkirip* yığlar-men (МЛ.63).

Шоир лирикасида *sevmāk* феълининг ўрни бўлак. Ушбу феъл “маъшуқага кўнгил бермоқ” маъносида келиб, матннинг ҳиссий бўёқдорлигини ошириш учун хизмат қилади:

Navāiy *sevdi* bir loliyni kez-deg rub’i maskunda,

Agar arlat, agar barlas, agar tarxan, agar sulduz (HШ.107).

Ёки:

Čun yana *sevsāñ* birāvni čunqarıp tärk etti ’išq,

Bas, Navāiy üzrini tutqıl musallam, ey köñül (HШ.206).

Ёки:

Bu hālatimnī körüp barī ’išq asirlarī

Vafāsiz elni *sevārdin* kanāra qılğaylar (БВ.143).

Ёки:

Šart qıldim-kim, vafāsizlarnī emdi sevmāyin,

’İšq zor etkāč vale bātil bolur bisyār šart (БВ.209).

Ёки:

Ki bolsa rāğībī suhbat anī, *sevār* eldin

Yüz yilda yetmäs miñdin birigä ham navbat (БВ.64).

Навоий шеъриятида *sevmäk* феъли ҳам маъжозий, ҳам илоҳий ишқни бирдек ифода этаверади:

E'tirāz etmä, Navāiy-vu fuzul olmaki, haq
Xalq etip *sevdi*, yana dard berip qıldi ilāj (БВ.72).

Ушбу феъл шоир ижодида “ёқтирмақ” маъносида ҳам келади:
La'lini *sevdim*, köziniñ qatlidin qayğurmağum,
Ne ğam ölmäktin, kişi bolsa Masihā birlä dost (БВ.64).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу бўлимда семантик жиҳатдан таҳлил қилганимиз *külmäk*, *sevünmäk*, *quvanmaq*, *tabassum äylärmäk*, *xanda qılmaq*, *xanda qılmaq*, *xandān äylämäk*, *xandān qılmaq*, *xandān bolmaq*, *xurram bolmaq (olmaq)*, *xurram etmäk*, *äylämäk*, *yığlamaq*, *yığlamsınmaq*, *iñrämäk*, *siñrämäk*, *siqtamaq*, *ökürmäk*, *inčkirmäk*, *sevmäk* каби эмоционал туйғуларни билдирувчи феъллар Навоий тилида турли маъноларни ифодалашни натижасида шоирнинг маълум ҳолатларни ўқувчига аниқ ва образли тарзда етказиб бериши учун хизмат қилган. Қизиғи шундаки, феълларнинг кўчма маънолари баъзан шоирнинг руҳий ҳолати натижаси ўлароқ вужудга келган. Бу Навоий тилининг луғат бойлигини ошириш билан бирга, бадий матннинг услуб жиҳатдан бетакрор бўлишини ҳам таъминлаганки, ушбу масалани кейинги бобда атрофлича таҳлил этамиз.

4. Еб-ичиш билан боғлиқ феъллар семантикаси

Навоийнинг шеърий асарларида қўлланган еб-ичиш феълларини семантик тадқиқ қилиш натижасида гувоҳ бўлдики, *yemäk* феъли бир неча ўринда ўз маъносида келган, холос:

Kimki ul bir köñli sevgän naxl qaddin bar *yedi*,
Āllāh-Āllāh, umridin ne baxti barxordāri bar (БВ.99).
(Кимки кўнгли тортган хурмо дарахти мевасидан ебди,
Ё Оллоҳим! Бу киши бахтдан нечоғлиқ мамнун.)

Шоир ижодида *yemäk* феъли кўп ўринда *tiyr* (*tiyr bārānī*), *ğam*, *zaxm* каби сўзлар билан келиб, “азоб чекмоқ, жони қийноқда қолмоқ” маъноларини ифодалаган:

Yedim tiyr bārānī hajrīnda miñ zaxm
Ki, boldī ne oq-u ne yā āškāra (БВ.19).

Ёки:

Tā ġarib erdim, nasibīm ġam yemäk erdi-yü bas,
Šahrīm ičrā daği ġam bolsa nasibīm yā nasib (БВ.27).

Ёки:

Tiğīdīn zaxm yedim, yetgāč ul āy qāšīnda,
Har ne bāšīmda edi, bardīm anīñ bašīnda (БВ.280).

“Хазойинул маоний”даги кўпгина лирик шеърларда “емак” маъносини англатувчи форсча *xordan* феъли ҳам учрайди:

Ketip ġunča-deg daği nargis kibi,
Ağiz birlä közdin maña xord-u xāb (НШ.46).

Ёки:

Navāiy ġam yedi-yü öldi daği tapti visāl,
Ne tapmasun bu sifāt xord-u xābliğ köñlüm (НШ.300).

Навоийнинг лирик шеърларида *ičmāk* феъли ва унинг синонимлари жуда кўп қўлланган. Бу гуруҳ феълларига “Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий тилшунос олим сифатида алоҳида эътибор қаратади: Шуаро акобиридинки, баъзи «май» таърифида муболаға қилибдурлар ва бу мўътаддун бих амредурки, май ичмак қавоидида сўз кўп суруп, зарофат ниҳоятсиз зоҳир қилурлар (МЛ.9).

Шоир ижодида *ičmāk* феъли кўп ўринда *may*, *bāda*, *qadah*, *jām* сўзлари билан келади:

Xarābāt ara kirdim āšuftahāl,
May istārgä ilgimdä sīnğan safāl (ҒС.502).

Ёки:

Ul ičip el birlä ruhafzā qadahlar āškār,

Men balā jāmiḍa zahri ḡussanī pinhān čekip (БВ.30).

Ёки:

İčärmen vale qan, nedinkim *ičär*

Habibim bilā *bāda* har dam raqib (ҒС.366).

Ёки:

Ey Navāiy, čiqti čun rangin bulut, rangin may *ič*

Kim, sen ölmāy qilḡusī kör jilva bu rangin bulut (БВ.39).

Қизиғи шундаки, *ičmäk* феъли баъзан *may*, *bāda*, *qadah*, *jām* сўзлари билан бирикмаган ҳолда ҳам “маст қилувчи ичимлик ичмоқ” маъносини ифодалай олади:

Bu navā kimgā nasib olsa, Navāiy yaḗliḡ,

Bu ḡazal birlā *ičip* bolsa keräk masti xarāb (ФК.22).

Ёки:

Čun lāla töküldi, lālagun jām ičmä,

Gül fasli tügāndi mayi gülfām ičmä.

Javzāda ču tutti mehr ārām ičmä,

Kop bolsa zarurat olmayin šām *ičmä* (ҒС.407).

İčmäk феъли *qan* сўзи билан бирикиб, “азоб-укубут чекмоқ, қийналмоқ” ёки “хароб қилмоқ, қийин аҳволда қолдирмоқ” маъноларини ифода этади. Ушбу бирикма ҳозирги ўзбек адабий тилидаги “қон ютмоқ”, “қонини ичмоқ” ибораларига тенг келади:

İčärmen vale qan, nedinkim *ičär*

Habibim bilā *bāda* har dam raqib (ҒС.366).

Ёки:

Ul közgā emäs hājati sāḡar, negākim bar

Qan ičmäk ilā mast-u mayi nāz ilā sarxuš (ФК.131).

Ёки:

Közün qatl äylāb, el *qanini* kop *ičti* javr ilā, lekin

Asire tapmadī ul qātili xunxār men yaḗliḡ (ФК.153).

Шоир ижодида *ičmāk* феъли *zahri firāq* бирикмаси билан келиб,
“айрилиқ азобини тортмоқ” маъносини ифодалайди.

Özgälargä içür, ey sāqiyi davrān, mayi vasl

Kim, maņa *zahri firāq ičmāk* oluptur mu'tād (БВ.69).

Демак, Навоий шериятида *ičmāk* феъли бош маъносидан ташқари,
“маст қилувчи ичимлик ичмоқ; азоб-уқубут чекмоқ, қийналмоқ; хароб
қилмоқ, қийин ахволда қолдирмоқ; айрилиқ азобини тортмоқ” маъноларида
келади.

Ушбу гуруҳ феълларидан бири *sipqarmaq* сўзидир. У “шимирмоқ,
идишдаги суюкликни охиригача ичмоқ” маъносини англатади:

Sāqiyā, tut bāda-kim, bir lahza özümdin bāray,

Šart bu-kim, har nečā tutsaņ, lab-ā lab *sipqaray* (МЛ.61).

Ёки:

Tapsa ul zarf ilā ma'rufni xuš *sipqaray*,

Ulki ārīflīğ ilā dahrda bolğay ma'ruf (ФК.155).

Ёки:

Balā bazmīda sāqiyi ajal jāmi fanā tutsa,

Tağār olsunki, aғzīmga quyup *sipğarğudektürmen* (ФК.251).

Ёки:

Jāmi tā hašr labā lab bolsun

Nečā *sipqarsa*, yana ham tolsun (ФК.352).

Ёки:

Ul fanā jāminī ĉun *sipqarayin*,

Mast olup dayri fanāğa barayin (ФК.368).

Ушбу гуруҳ феълларидан яна бири *tamšimaq* бўлиб, у “оз-оздан
ичмоқ, ичимликнинг бутун лаззатини ҳис қилиб ичмоқ” маъносини
ифодалайди. “Муҳокамат ул-луғатайн”да бу сўзга қуйидагича изоҳ берилган:
*Va tamšimaq-ki, ġāyat zavqdin bāt ičmäs- ü lazzat tapa-tapa az-az ičär. Bu ġarib
ma'nā adāsında türkcädä bu matla' bar-kim, bayt:*

Sāqi ĉu içip maņa tutar qoš,

Tamši-tamši anī qīlay noš (МЛ. 62).

Tamšīmaq феъли ҳозирги ўзбек тилида худди шундай шаклда сақланиб қолган.

Навоий ғазалларида *yūtmāk* феъли *qan*, *zahri hijrān* сўзлари билан бирикиб, “азоб чекмоқ, аламзада бўлмоқ; умидини узмоқ” маъноларини билдиради:

Habib ġayr ilā may ičti, ey köñül, qan yüt,

El ičsā vasl mayīn, baq-u zahri hijrān yüt (НШ. 61).

Шоир лирикасида форсча *noš* сўзи туркий *äylämāk*, *etmāk* феъллари билан бирикиб, “ичмоқ” маъносини беради:⁶⁹

Gar anīñ *noš äyläridin* ājiz olsa ahli bazm,

Jam etip barīni bir yolī maña tutqil qadah (НШ.56).

Ёки:

Dayr ara kir, pandin goš äylägil,

Bāda bešak sāf erür *noš äylägil* (НШ.372).

Ёки:

Yāri gülrux la’li serābi-yu sāğar qanīdin,

Ham mayi gülrāñ *noš et*, ham gülfām tut (НШ.38).

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг қўлланувчи *hoplamaq*, *šimirmaq*, *simirmāk* каби феъллар Навоийнинг шеърий асарларида учрамади. Ушбу феъллар “шошилмасдан, аммо идишдаги суюқликни ҳеч қолдирмай ичмоқ” маъноларини англатади. *Hoplamaq* ва *šimirmaq*, *simirmāk* сўзларининг фарқи бир жиҳатдан ҳаракат жараёнидаги овоз билан белгиланса, иккинчи жиҳати аксарият ҳолларда ҳўпланадиган суюқлик иссиқ, шимириладиган суюқлик эса совуқ ҳолда бўлади. Айтиш мумкинки, ҳозирги ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган *hoplamaq* феъли *tamšīmaq* сўзи ифодалаган тушунчани, *šimirmaq*, *simirmaq* феъллари эса *sīrqarmaq* сўзи ифодалаган маънони бера олади.

⁶⁹ Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 475-б.

Хулоса шуки, Навоий лирикасида қўлланган *yemäk, xordan, içmäk, sipqarmaq, tamšimaq, yütmäk, noš äylämäk (etmäk)* каби феъллар еб-ичиш феъллари гуруҳини ташкил этади. Шоир лирикасида ушбу феълларнинг ҳар бири бош маъносидан ташқари турли кўчма маънолар ҳосил қилганини юқоридаги таҳлил асосида ўргандик. Муҳими шундаки, бу маънолар маълум услубий-функционал хусусиятга эгаки, айна ҳодиса шеърлардаги бадиийликни ошириш учун хизмат қилади. Булар хусусида кейинги бобимизда алоҳида тўхталамиз.

II боб бўйича хулоса

Ушбу боб бўйича хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий асарларида қўлланган феълларни мавзу гуруҳларига ажратган ҳолда маъно томондан тадқиқ қилиш шоир тил бойлигини кўрсатишда муҳим ҳисобланади. Навоий асарлари тилида сўзлашув билан боғлиқ феъллар, кўрув феъллари, эмоционал туйғуларни ифодаловчи феъллар ва еб-ичиш билан боғлиқ феъллар ўзининг полисемантик хусусиятга эгаллиги билан бошқа феъллардан ажралиб туради. Бу гуруҳлар таркибига кирувчи айрим феъллар ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди. Шунингдек, ушбу мавзу гуруҳларига оид бугунги тилимизда фаол бўлган айрим феъллар Навоий асарлари тилида учрамайди. Ушбу феъллардаги кўпмаънолилик ҳодисаси баъзида тил имкониятларига боғлиқ равишда вужудга келган бўлса, баъзида ижодкор бадиий фантазияси маҳсули сифатида пайдо бўлган. Ана шу масалаларнинг ёритилиши Навоий ва шоир даври тилидаги феълларнинг маъно кўламини аниқлашга ёрдам беради. Семантик таҳлиллар ушбу феълларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида унутилган маъноларини тиклаш имкониятини беради. Шунингдек, уларнинг услубий-функционал хусусиятлари тадқиқига йўл очиб беради.

III БОБ. НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДА ҚЎЛЛАНГАН ФЕЪЛЛАРНИНГ УСЛУБИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Сўзлашув билан боғлиқ феъллар услуги

Тилшунос олим Л.Л. Колосс: “Деярли ҳар қайси сўз агар луғат саҳифасидан чиқиб, реал контекст таркибига кирса ёки, айниқса, жонли сўзлашувда қўлланса, у албатта бирор стилистик бўёқ олади ёки стилистик функцияни бажаради”⁷⁰ – деб уқтирган эди. Навоий асарлари тилида қўлланган сўзлашув билан боғлиқ феъллар, кўрув феъллари, эмоционал туйғуларни ифодаловчи феъллар, шунингдек, еб-ичиш билан боғлиқ феълларнинг услубий-функционал хусусиятларини таҳлил қилиш асносида юқоридаги фикр яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Навоий шеъриятида қўлланган сўзлашув билан боғлиқ феъллар турли семантик хусусиятларга эгаллиги билан киши эътиборини ўзига тортади. Ушбу феълларга ҳар бир ўринда ўзига хос стилистик вазифа ҳам юкланганки, бу, айни пайтда, муаллифнинг бадииятдаги услубини белгилаб беради. Қизиғи шундаки, Навоий ўз лирик асарларида сўзлашув феълларидан сўз ўйинлари, бадий-тасвирий воситаларни ҳосил қилишда ҳам унумли фойдаланган. Масалан, *demäk* феъли шоир лирикасида қуйидаги бадий санъатлар яралишида хизмат қилади. Фикрларимиз тасдиғи сифатида “*Jānğa čun dermen...*” деб бошланувчи ғазалга диққатимизни қаратамиз:

Jānğa čun dermen, ne erdi ölmägim kayfiyatı,

Derki, bāis boldı jism ičrä maraznıñ šiddatı.

Рамали мусаммани маҳзуф (-V--/-V--/-V--/-V-) вазнида ёзилган ушбу ғазалда сўзлашув феъллари алоҳида ўрин тутди. Матлаъдан маълумки, ғазал саволу жавоб – шеър мисраларида икки шахс, кўпинча ошиқ билан маҳбуба

⁷⁰ Колосс Л.Л. О предмете стилистики // Вопр.языкознания. 1953. №3. – С. 93.

ўртасидаги савол ва жавобни акс эттириш санъати⁷¹ асосига қурилган. Ғазал байтларида ушбу санъатнинг юзага келишини сўзлашув феъллари таъминлаган. Лирик қаҳрамон жонга: “Жисмдан жудо бўлиб чиқишингга сабаб нима?” – деган (деб сўраган) эди, жон: “Бунинг боиси жисм ичидаги касалликнинг кучайиб кетиши”, – деди (деб жавоб берди). Қизиғи шундаки, агар шоир *demäk* феъли ўрнига биринчи мисрада сўрамоқ, иккинчи мисрада жавоб бермоқ сўзларини қўлласа, ғазал вазнига путур етар эди. Шунингдек, бир сўзнинг икки маънода қўлланиши тилимиз имкониятлари кенглигини ҳам ифода этган. Биргина *demäk* феълени икки ўринда икки маънода қўллаш воситасида ҳам вазн равонлигига, ҳам бадий услубнинг силлиқлигига эришиш муаллифнинг маҳоратидан дарак беради.

Jismdīn sorsamki, bu za'fiŋga ne boldi sabab,

Der, aŋa boldi sabab otluq baġirniŋ xirqati.

Энди шоир жисмдан: “Бу дардингга нима сабаб бўлди?” – деб сўраган эди, у: “Ёнаётган бағирнинг ўтли тафти сабаб бўлди”, – деди. Шу тарих диалог давом этади:

Ўun baġirdin sorsam aytur, andaq ot tüsti maŋa

Kim, köñülgä şu'la saldi 'išq barqī āfati.

Бағирдан бунинг сабабини сўрасам, у: “Ишқ чақмоғининг ҳалок этувчи учқуни кўнгилга шуъла солганда, менга ҳам олови келиб етди”, – деди⁷². Буни эшитган лирик қаҳрамон кўнгилдан ғазабланган эди, у: “Бунинг гуноҳқори кўз, агар у кўрмаса эди, бу тухмат бизники бўлмас эди”, – деб айтади:

Köñlümä qilsam ġazab ayturki, közdindür gunāh,

Körmäyin ul tüšmädi bizgä bu işniŋ tuhmatī.

Эътибор қилинг, юқоридаги икки байтда *demäk* феълининг синоними *aytmaq* қўлланди. Вазн аввалги байтда икки ҳижоли (*aytur*), кейингисида эса

⁷¹ Ҳоҗсияҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. 98-б.

⁷² Комилов Н. Маънолар олмига сафар. (Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар)– Тошкент: Тамаддун, 2012. 83-б.

уч ҳижоли (*ayturki*) сўзни талаб этар эди. Солиштирамиз: агар *demäk* феъли айни грамматик шаклда (*der, derki*) қўлланса, вазнда бир ҳижонинг камайиши эвазига ноқислик вужудга келар эди. Қолаверса синоним феълнинг танланиши натижасида такрордан қочилган, услуб хилма-хиллигига эришилган.

Közgä çun *dermenki*, ey tardāmanī yūzi qara,
Sendin olmīš telba köñlümniñ balā-u vahšatī.

Ушбу байтда *demäk* феъли таъкид юкламали ҳолда “деб даъво қилмоқ” маъносида келиб, лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини очиб беришда муҳим ваҳифани ўтаган: Кўзга: “Эй бузуқ ахлоқли, юзи қора, телба кўнглим бошига тушган бало ва унинг даҳшатли кўркуви сендин экан”, – деб ғазаб қилсам⁷³:

Yiğlar *aytur* közki, yoq erdi maña ham ixtiyār
Kim, köründi nāgahān ul šoxi mahvaš tal’atī.

Кўз йиғлаб айтади: “Менинг ҳам ихтиёрим ўзимда эмас эди, ул шўх (маъшуқа)нинг ойдек юзи ногаҳон кўриниб қолди”. Ҳамма аъзоларни тинглаб бўлган шоир ўзига уқтиради:

Ey Navāiy, barça öz uzrīn *dedi*, ölgünçä küy
Kim, saña ’išq otī-oq ermiš azalnīñ qīsmatī (НН.389).

Ҳазалда жами беш ўринда *demäk* феъли қўлланган, шундан учтаси интоқ (ар. сўзлатиш, гапиртириш.) санъатини ҳосил қилган. Бу санъат ҳайвонлар, қушлар, жонсиз нарсалар ва табиат ҳодисаларини одамларга ўхшатиб сўзлатиш⁷⁴ асосида юзага келади. Уч байтда қўлланган *aytmaq* феъли ҳам айни бадий санъат яралишида хизмат қилган. Қизиғи шундаки, шоир бир ўринда жоннию бағирни, бошқа ўринда кўнгилу кўзни сўзлатиб, шеърый диалог ҳосил қилса-да, аслида, у “ўзи билан ўзи” баҳсга киришган. Ёр юзининг кўриниши билан пайдо бўлган, онийдек туюлса-да, бир умрга татиғулик қийноқнинг асл сабаби нима эканини у ўзидан билмоқчи. Бунинг учун асосий “айбдорлар” – жон, жисм, бағир, кўнгил ва кўзни сўзлатишни

⁷³ Ўша асар, ўша бет.

⁷⁴ Ҳоҷиаҳмедов А. Мумтоз бадийят луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. 27-б.

лозим топади. Айни шу ҳолат ғазалнинг ўқишлилигини таъминлаган. Ўқувчининг лирик қаҳрамон ўй-кечинмаларини энгил ҳазм этишига замин яратган. Ушбу мулоҳазаларимизни навоийшунос олим Нажмиддин Комиловнинг ғазал шарҳида келтирган қуйидаги фикрлари тасдиқлайди: “Ғазал энгил ўқилади, ортиқча мураккаб санъаткорлик ишлатилмаган. Бирок ғазални ўқиган одам мухаббат дардига гирифтор ошиқнинг рухий кийноқлари “ўз-ўзи билан” суҳбати, ўқинчли ва айни вақтда тағзаминида ошиқликдан, ишқдан насиба топганидан рози одамнинг ҳолати “ботиний монологи”дан огоҳ бўлади⁷⁵. Таъкидлаш жоиз, бунда сўзлашув феълларининг ўрни бўлак. Шунингдек, бу феъллар ғазалда бир мавзунинг матлаъдан мақтабгача давом этишига ёрдам берган. Бу эса тадриж санъатини яратиб, якпора ғазал ёзилишига сабаб бўлган.

Яна қуйидаги байтларда ҳам *demäk* феъли саволу жавоб санътини яратган:

Dedimkim: dahr bāğīda yoq ermiš men kibi bulbul,

Dedikim: barmu ermiš gül uzāre men kibi hargiz (БВ.113).

Ёки:

Dediņ, fanā nedurur, muxtasar *deyin* ölmäk

Ki, šarhīnī tilāsāņ, yüz risāla bolğusīdur (БВ 106).

Навоий ижодида ”*deyin*” радифли учта ғазал ва битта рубоий бор. Бу лирик асарларнинг барчасида сўзлашув феълларининг алоҳида ўрни бор.

Lablarīņ šarbatīnī čašma-i hayvānmu *deyin*?

Demäsäm čašma-i hayvān, ne *deyin*, jānmu *deyin*?

Байтларда *demäk* феъли ружуъ (ар. қайтиш маъносини билдириб, шеърятда шоирнинг олдинги мисра ёки байтда ифодалаган фикри, қўллаган бадий тасвирий воситасидан қайтгандек бўлиб, кейинги мисра ёки байтда унга қараганда кучлироқ ифода, шеърини санъатни келтириш ёки олдинги

⁷⁵ *Комилов Н.* Маънолар олмига сафар. (Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар)– Тошкент: Тамаддун, 2012. 84-бет.

фикрни аниқлаштириш, тўлдириш усулидир⁷⁶) санътини яратган. Ошиқ маъшуқаси лабларидаги шарбатни аввал чашмаи хайвон деса, кейин бу фикридан қайтиб, жон деб атайди. Кўринадики, бу байтда *demäk* феъли “деб атамоқ, деб номламоқ” маъносида келган. Аммо шоир ушбу феълни фақат бир маънода қўлламайди. Унга турли семантик ва стилистик маънолар юклайди. Масалан, кейинги байтлардан бирида шундай келади:

’İŝq dardini *desäm* sa’b meni ayb etmäñ,
’İŝqi miñ muŝkil erür zimmida *äsänmu deyin?*

Байтни таҳлил қилиш ёрдамида *demäk* феълнинг луғавий ва услубий маъносини аниқлаш мумкин. Лирик қахрамон: “Агар ишқ дардини оғир, машаққатли, десам (деб нолисам) мени маломат қилманг ёки ишқнинг минглаб мушкулликлари орасида бўлиб туриб, осонми дейин?” Гарчи ҳар икки ўринда ҳам *demäk* сўзи бир маънони ифодалаётган бўлса-да, унга икки хил стилистик маъно юкланган. Ушбу сўз биринчи мисрада лирик қахрамоннинг тушкун кайфиятини ифодалаётган бўлса, иккинчи мисрада нозиккина кесатиғини билдирыпти. Мақтаъда эса *demäk* феъли “гапирмоқ”, яъни бош маъносида келган:

İcmägim zähid agar bildi, Navāiy, näyläy,
Sorsa söz öylä kiŝi allida yälğänmu *deyin?* (НШ. 352)

Навоийнинг *deyin* радифли яна бир ғазали шундай бошланади:
Qaŝi yäsinnmu *deyin*, közi qarasinnmu *deyin*,
Köñlümä har biriniñ dardı baläsinnmu *deyin?*!

Ушбу ғазалда *demäk* феъли жами йигирма ўринда, биринчи шахс истак майли шаклида, такрорланади. Бу эса байтларда таносуб (шеър байтларида маъно жиҳатидан бир-бирига яқин тушунчаларни англаувчи сўзларни қўллаб, улар воситасида образли ифодалар, лавҳалар яратиш⁷⁷) санъатини ҳосил қилган қош, кўз, киприк каби сўзларнинг янада оҳангдор бўлишини таъминлаган. Ғазал матлаъси янада эътиборли, унда келган сўзлашув

⁷⁶ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. 97-б.

⁷⁷ Ўша луғат, 128-б.

фeълларига услубий вазифалар юкланган. Эй Навоий, кошу кўзининг васфини дема – таърифлама, “Qašī yāsīnmu deyin, közi qarasīnmu deyin?!” – деб айтгин – такрорлагин. Биринчи мисрада келаётган *demäk* ва *aytmaq* фeъллари шакл жиҳатдан гарчи учинчи шахс буйруқ майлида бўлса-да, маъно жиҳатдан биринчи шахсга қаратилган. Бу фeъллар шоирнинг ўзига мурожаат қилиши учун хизмат қилган:

Ey Navāiy, demā qaš-u köziniñ vasfini, ayt
Qašī yāsīnmu deyin, közi qarasīnmu deyin?! (НШ. 349)

Қуйидаги байтда *demäk* фeъли ружуъ санътини ҳосил қилган:

Közünđin ham köñül, ham jānda āšub,
Demäy jān-u köñül davrānda āšub (НШ.33).

Навоий шеъриятида *demäk* фeълининг луғавий маъносидан четлашиб равишдош шаклида қўшма гап қисмларини боғловчи восита вазифасида келганини бир неча ўринда кузатиш мумкин:

Örtänürmen, köñligä andīn asar bolğaymu *dep*,
Bolsa ta’sir, aña hālīmdīn xabar bolğaymu *dep* (БВ.33).

Шоир лирик асарлари тилида қўлланган *sözlämäk* фeъли ҳам услубий жиҳатдан турли маънолар ташийди. Жумладан, мана бу байтда лирик қаҳрамоннинг девонасифат аҳволини билдираётган *sözlämäk* фeъли аниқ нисбат шаклида туриб, биргалик нисбати маъносини ифодалаган:

Baski šavquñ ġālib olmiš telbalardek, ey pariyy,
Yoqturur tun-kün xayaliñ birlä *sözläp* hārmağim (ФК.209).

Қуйидаги байтда сўзлашув фeъллари билан боғлиқ яна бир қизик ҳолатнинг гувоҳи бўламиз:

Ul pari köñlümdädürkim, sözläšürmen demäkim,
Telbalikdin öz-özüm birlä *takallum äyläräm* (ФС.240).

Бир байтнинг ўзида сўзлашув фeъллари семантик майдонини ҳосил қилувчи уч сўз (*sözlämäk*, *demäk*, *takallum äylämäk*) иштирок этган. Қизиги шундаки, улар синоним фeъллар ҳисобланса-да, маъновий даражаланиш ҳосил қилган. шоир таъкидлайди: Ул пари менинг кўнглимда экан, сен мени

у билан сўзлашяпти деб ўйламагин, чунки мен ўз-ўзим билан суҳбатлашяпман. Кўринадики, ушбу феъллар ҳам маъно, ҳам услуб жиҳатдан лирик қаҳрамон ўй-кечинмаларини ўқувчига аниқ етказиб бера олган. Муҳими, шоирнинг сўз қўллашдаги маҳорати вазн талабига мос тушган.

Хулоса шуки, Алишер Навоийнинг шеърий асарларида қўлланган сўзлашув феълларини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Муҳими шундаки, бундай тадқиқотлар ёрдамида шоирнинг сўз қўллаш маҳоратини ўрганиш билан бирга шеърлардаги лирик қаҳрамон руҳий ҳолатига яқиндан кириб бориш мумкин.

2. Кўрув феъллари услуби

“Хазойинул-маоний”даги лирик шеърларда қўлланган кўрув феъллари ўзига хос услубий маънолар ташийдди. Кўрув феъллари гуруҳига кирувчи лексемалардан бири *baqmaq* феълдир. Ушбу феъл полисемантик хусусиятга эга бўлиб, Навоий лирикасида бир неча маъноларда келишини аввалги бобда кўриб чиқдик. Муҳими шундаки, бу маъноларнинг айримлари тил имкониятларидан келиб чиққан бўлса, айримлари ижодкор тасавури ҳосиласидир. Масалан, Навоий ғазалларида *baqmaq*нинг “тафаккур қилмоқ, чуқур ўйламоқ” каби маъноси борлигини кузатишимиз мумкин. Феълнинг айна маъноси муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати натижаси сифатида юзага келган, деб айтиш мумкин:

Yārğa hālīn demäkkä anča yaxši yārī bar,

Ey köñülkim, yaxši *baqsan*, men yamandīn kim desün? (БВ.241)

Ёки:

Gar dahr arusiğa dedim bermä köñül, *baq*:

Muxtālamu purhiylamu makkārmu ermäs (БВ.124).

Ёки:

Nar kün ul ay intizārīdīn küyübmen anča-kim,

Baqsa, bir hijrān tūničä bar ekin har intizār (ФК.82).

Қуйидаги байтда эса *baqmaq* феъли “хабар топмоқ, кузатмоқ” маъносини ифодалаган, феълнинг ушбу маъноси ҳам услубий ўзига хослик натижасида юзага келган:

Men gadā mast-u xarābāt ara ilgimdā safāl,
Baqsa Jamšid bu iqbālīma bolğay hāsīd (НШ.68).

Навоий шеъриятида ушбу феълнинг *kōñül* сўзи билан бирикиб, “боғланиб қолмоқ, севиб қолмоқ” маъносида келишини ҳам кузатиш мумкин. Бу ўринда *baqmaq* феъли агар кўз сўзи билан келса, оддий ҳол юз берган бўлар эди. Эътиборли жихати, маъшуқа нозу карашмаларани гўё ўқдек жону жисмга қадаб, виқор билан ўтиб кетганда, ошиқнинг кўзи эмас, кўнгли ёлвориб-ёлвориб қараб қолади:

Nāz oqīn jān bilā jismīmğa urup xud ottuñ,
Baқki, qaldī *baqīban* yalbara-yalbara *kōñül* (ҒС.215).

Шоир лирикасида ушбу феъл яна бир гўзал бадий ифодани яратишга хизмат қилади. Бунда *baqmaq* феъли *uzr*, *fiğān*, *afğān* отлари билан сўз бирикмаси ҳосил қилиб, “арзини эшитмоқ, дардига кулоқ тутмоқ” маъносини ифодалайди. Бу ифода лирик қаҳрамоннинг тушкун кайфияти, меҳру муҳаббатга муҳтож ҳолатини ўқувчига таъсирли пардаларда баён этади:

Vasliᅡgā keçrāk yetiᅡsām, lutf etip *uzrumğa* *baq*
Kim, qadam ornīn sūpürmäy köz ilā qoyman ayaq (НШ.163).

Ёки:

Dedi safarda sutun birlā bārgāhīmdur.
Kiᅡiki, *baqtī* falak birlā dud-i āhīmğa (ҒС.299).

Ёки:

Falak *baqtī* *fiğānīmğa*, ajal rahm etti jānīmğa,
Hazānliᅡ bostānimğa güli bāᅡi jānān keldi (ҒС.323).

Мана бу байтларда кўрув феъллари гуруҳига кирувчи икки сўз – *baqmaq* ва *telmürmək* феъллари бир ўринда келиб, бадий таъсирчанликни оширган ва таносуб санътининг намуналарини яратган:

Ul quyaᅡ hijrānīda har tūn iki muᅡluᅡ közüm,

Taṅḡa tegrü subhidam yolıḡa *baqıp telmürür* (FC. 99).

Ёки:

Vahki ul šox barıp, jānīma ot saldī yana,

Telmürüp iki közüm yolḡa *baqıp* qaldī yana (FC.297).

Қуйидаги байтда *baqmaq* феъли билан боғлиқ қизиқ ходисага дуч келамиз. Бунда ушбу феъл бир-бирига яқин маънодаги сўзларга бирикса-да, икки хил маънони билдирган. Яъни биринчи мисрасида кесатиқ маъносидаги “илтифот қилмоқ, қўллаб-қувватламоқ” семасини, иккинчи мисрасида эса “даволамоқ, шифо бермоқ, хабар олиб қўймоқ, кўнглини кўтармоқ” семасини ҳосил қилган:

Zār köñlümḡa agar *baqıp* anī zār äylädiḡ,

Jāni bemārīmḡa ham *baq*, jismi afgārīmḡa ham (БВ.218).

Ушбу гуруҳ феълларидан бири ҳисобланган *körmäk* сўзи ҳам Навоий асарлари тилида турли услубий маъноларни ташийдди. Масалан, мана бу байтда *körmäk* феъли “туймоқ, ҳис қилмоқ, илғаб олмоқ” маъносида келиб, булбул ҳолатига кўчган ва ташхис санъатини яратган:

Ey Navaiy, yar vaslīn tapmasaḡ yoqtur ajab,

Noš yoq, lekin *körär* yüz niš güldin andalib (БВ. 27).

Шоирнинг мақтаъдаги хулосасига кўра, ошиқнинг маъшуқа васлига етолмаслигига ажабланмаслик керак. Зеро, булбул кўнгани гулдан бир нўш топа олмайди, аммо юз ниш санчиғини кўради, ҳис этади.

Қуйидаги байтда *körmäk* феъли радиф бўлиб келган, аммо биринчи мисрада “эшитмоқ, қулоқ солмоқ” маъносини билдирса, иккинчи мисрада сўзнинг илкин маъносида тушунилиши назарда тутилган:

Xasta jānim za’fin aḡla, köñlüm afgānīn *körüp*,

Sorma köñlüm yarasin, fahm et közüm qanīn *körüp* (FC.44).

Кўрув феъллари гуруҳига кирувчи *telmürmæk* сўзи Навоий ғазалларида лирик қаҳрамоннинг умидсизликка тушган, ҳажр азобида энтикаётган ҳолатини ифодалайди:

Qilur köyida it qatlī Navāiy *telmürür* marhum,

Nedinkim ermäs ul yār allīda bu hayl sänında (HШ.280).

Ёки:

Köz yolīda *telmürüp* köñlüm sağınur, kim meni,

İstamaqqa kelgüsi har kimki çıqsa ötrüdin (HШ.240).

Ёки:

Navāiy qatliğa čun va'da qıldiñ, vafā qılkim,

Yoluñda telmürüp umredururkim intizār eltür (HШ.96).

Навоий асарлари тилида *nazar äylämäk (qılmaq), nazzāra äylämäk (qılmaq), tamāšā qılmaq, nigāh qılmaq* каби от+феъл шаклидаги кўшма феъллар “қарамоқ, нигоҳ ташламоқ, кўриб хулоса чиқармоқ” маъноларида келиб, кўп ҳолларда вазн талаби билан қўлланилади:

Gar Navāiy sarī mahšarda *nazar äylämäsän,*

Saqar-u nārdeg olğay aña xuld-u māfih (HШ.274).

Ёки:

Sāqiyā, bādaki *nazzāra qilay,*

Yār aksinī mayi navšan ara (HШ.12).

Ёки:

Qoyki, ul yüz xāniğa *nazzāra äyläy* toyğuça

Kim, közüm bolmiš bu qaht-i husn ayyāmīda ač (HШ.52).

Ёки:

Xalq ba'zi küldi, ba'zi 'ibrat alip yīgladi,

Har qačan mufrit jununimni *tamāšā qildilar* (ФК.80).

Ёки:

Fanā dayri gadāyimen, mayim eski safāl icrä,

Tamāšā äyläp, ey šayxlar, körüñ ul jām ilä jamlīq (ФК.160).

Ёки:

İngäli köktin balālar zinadur *qilsañ nigāh,*

Hajr otidīn tartsam tāb-u šikanliq dudi āh (HШ.275).

Ёки:

Bevafālar ārazī yañliğ tapip közğü aña,

Har nečäkim ehtiyāt-u sa'y ilä *qıldim nigāh* (НШ.365).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Навоий шеърлятида кўрув феъллари кўп маънолик хусусияти билан ижодкор услубининг равонлигини таъминлаган. Ушбу феъллар синонимик жиҳатдан тўғри қўллангани боис шоирнинг ўй-қарашлари, шунингдек, лирик қахрамон рухий кечинмалари аниқ бадиий чизгиларда ўз ифодасини топган.

3. Эмоционал туйғуларни ифодаловчи феъллар услуби

Навоийнинг биргина шеърй асарларида қўлланган эмоционал туйғуларни аниқлашчи феълларни маъно томондан таҳлил қилиш орқали шоир тилининг нечоғли бой эканига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Муҳими шундаки, ушбу феъллар Навоийнинг бадиий услубдаги маҳоратини очиқ беришда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, *yig'lamaq* ва *külmäk* феълларини олайлик. Бу феъллар бир байтда қўлланиши натижасида бадиий матн поэтикасини оширади:

Kečä baskim hālīma gah *küldimü*, gah *yig'ladim*,

Tun asardur *yig'lamaqdin*, subh dağī *külgüdin* (НШ.249).

Бу байтда *yig'lamaq* ва *külmäk* феъллари бир ўринда қўлланиб, тазод – байтда маъно жиҳатдан ўзаро зид, қарама-қарши бўлган сўзларни қўллаб, таъсирчан бадиий тимсоллар, лавҳалар яратиш⁷⁸ санъатини ҳосил қилган. Биргина шу байтдан бир қанча таассурот олиш мумкин. Тасаввур қилинг: инсон шу қадар мушкул ҳолдаки, хатти-ҳаракатлари ўзига ҳам бегона. Ўз ҳолига қараб, на кулишини билади, на йиғлашини. Тунда ўз-ўзи билан қолиб, йиғлаган – изтироб чеккан киши эрта тонгда бутун дардини унутиб, аввало Парвардигорига шукрона келтиради, сўнг омма орасига қўшилиб, уларга дардини сездирмайди – кулади. Эҳтимол шундандир, тун унинг учун йиғламоқдан, тонг эса кулмоқдан бир нишона.

⁷⁸ Ҳоҷиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. 125-б.

Қуйидаги байтда эса ушбу феълларнинг бир ўринда келиши билан боғлиқ яна қизиқ ҳолатни кузатиш мумкин. Ошиқ безовта, зеро, содир бўлаётган ажиб ҳодисалар ишқ аро уни гоҳ булутлар тўпланиб ёмғир ёғаётгани – йиғлаётгани кўйига солса, гоҳ гўёки ҳеч нарсадан беҳабар самонинг чақин чақаётгани – мириқиб кулаётгани аҳволига асир қилади:

Bul 'ajabliġlar bahārī 'iŝq ara kōrkim, meni

Gah bulut-deg yığlatur, gahe čaqin-deg küldürür (ҒС.142).

Эътиборли жиҳати, руҳий кечинмаларнинг табиат ҳодисалари ҳолатларига қиёсланиб тасвирланганида. Айни шу тасвир ёрдамида лирик қаҳрамоннинг руҳий аҳволи ўқувчининг назаридан четда қолмайди. *Yiġlamaq* ва *külmäk* феълларини қўллаш орқали биргина байтда ҳам тазод, ҳам ташхис (ташхис – “жонлантириш” ҳайвонлар, кушлар, жонсиз нарсаларга инсон хусусиятларини кўчириш санъатидир⁷⁹) санъатларининг яратилгани эса шоир маҳоратининг юксаклигидан даракдир.

Қуйидаги байтда ҳам *yığlamaq* ва *külmäk* феълларидан фойдаланиб, айни шу санъатлар ҳосил қилинган:

Turfadur taġ avjida har lahza külmäk barqtin,

Čun bolur mufrit meniġ birlä bulutqa yığlamaq (НШ.163).

Мана бу байтда *xurram olmaq*, *külmäk* феъллари ташхис санъатининг яна бир намунасини яратиб, услубий ўзгачалик касб этган:

Xurram oldi baġ-u bir guldin içimdä ġam hanuz,

Küldi har yan ġurča-vu könlüm işi mätam hanuz (ҒС.175).

Бу ўринда *xurram olmaq* феъли кўчма маънода “боғнинг чароғон бўлиб кетиши” ҳолатини билдиради. Бир қарашда *külmäk* феъли гул ҳолатига кўчиб, “ғунчанинг очилиши, яшнаши” маъносини ифодалагандек, аммо байтдаги *baġ*, *gul*, *ġurča* сўзлари маъжозий маънода талқин этилса, бунда шоир: Ёр – *gul*нинг мавжудлигидан бутун олам – *baġ* чароғон бўлиб кетган эса-да, унинг ичи ҳануз ёришмаётгани, маъшуқа – *ġurčанин*г чехраси очилиб, ҳар ён қулиб

⁷⁹ Ўша лугат. 150-б.

боқаётган бўлса-да, унинг кўнгли хануз мотамда эканидан ажабланаётганини тасвирлаётгандек.

Мана бу байтларда ҳам ҳис-туйғуни ифодаловчи *xandān bolmaq* феъли билан боғлиқ услубий ўзига хослик юз берган:

Ĝam tunī zulmīda *xandān bolmadi* hālīmğa subh,
Subh-deg ne tañ-ki, bolğay ĉāk pirāhan maņa (ҒС.34).

Ёки:

Subhdam bedāru giryān bol, agar fayz istāsāñ
Kim, seniñ uyquñğa *xandān bolmasun* nāgāh subh (НШ.78).

Қизиғи шундаки, ушбу феъл ҳар икки байтда *subh*нинг ҳолатини ифодалаяпти, аммо биринчи байтдан хандон бўлмаган субҳ ифодасидан “тонгнинг тезроқ отмагани” ҳолати тасвирланган, яъни ишқ дардига мубтало бўлган шоир ғам тунида зулматдан қутулмоқ истаса-да, куннинг ҳам унга раҳм қилмай ёриша қолмаганидан ажабланмагани, зеро, кўйлаги аллақачон чок-чок бўлиб йиртилиб кетганидан зорланмоқда. Бу ўринда тонг отиши ҳодисаси гўё тунга оқ пардадек ҳарир либос кийгизиб кўйгани ҳолига ўхшатилиб, туннинг ана шу либосни кия қолмаганига сабаб шоирнинг аламдан кўйлагини йиртиб юборганига йўйилмоқда. Иккинчи байтда эса шоир агар кимки файзли бўлишни истаса, эрта тонгдан уйғоқ бўлиб, Оллоҳ йўлида дуода бўлсин, токи кун ҳам уни маломатматга кўйгандек кулиб боқмасин, – дея уқтирилмоқда. Биргина феълни икки ўринда айна ҳодиса (тонг отиши)га нисбатан қўлласа-да, икки хил бадий ифодани яратиш Навоий услубининг бетакрор эканига яна бир далилдир.

Қуйидаги байтда *yig'lamaq* феъли шамнинг ёнаётган ҳолатини ифодалаган ва ташхис санъатининг яна бир намунасини яратган:

Rāstlarğa ĉarx agar har lahza qīlmas sarzaniš,
Ĝam' bas har tun nedin *yig'lap* küyür afğān qīlur (ҒС 77).

Муҳим жиҳати, Навоий тилида қўлланган эмоционал туйғуларни ифодаловчи феълларнинг бир қанчаси маъно жиҳатдан даражаланиш (семантик градуномия) хусусиятига эга. Бу ҳодиса бадий матн услубининг

ранг-баранглигини таъминлаган. Масалан, *yig'lamaq* феълининг синонимлари орасида ушбу ҳолатни кўриш мумкин. “Муҳокамат ул-луғатайн”да бу феълнинг бир неча маънодошлари санаб ўтилган. Шулардан бири *yig'lamsinmaq* дир:

Zāhid`iṣqin desā-ki, qilgay fāš,

Yig'lamsinur- u közigā kelmäs yāš (МЛ.62).

Yig'lamsinmaq “йиғламсирамоқ, йиғлагудек бўлмоқ” каби тушунчаларни англатиб, юқоридаги байтда гўзал бадий ифодани яратган. Байтни ўқиркан, зоҳиднинг жойнамоз устида Худога ишқини изҳор қилиш мақсадида йиғламоқчи бўлгани, ошиқликдан дарак бериши керак бўлган кўз ёшлари эса гўё сохталикдан қочгандек кўриниш бермаётган бир ҳолат кўз олдимизда жонланади. Шу икки мисрада ана шундай теран маънони ифодалаш учун *yig'lamsinmaq* феълнинг ўрни муҳимдир.

Inrāmāk, siṅrāmāk феъллари ҳам *yig'lamaq* нинг синонимлари сифатида қуйидаги байтларда лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини аниқ ифодалаб бера олган:

Istāsām davr ahlidīn`iṣqīṅnī pinhān āylāmāk,

Kečālār gāh inrāmākdür ādatīm gāh siṅrāmāk (МЛ. 62).

Ёки:

İcimdā yüz bašağ ey gul, ne ayb inrāsām,

Alam tapar, tābnīğa anīṅki, barur (ФК.79).

Siq'tamaq феъли ҳам *yig'lamaq* сўзининг синоними ҳисобланади. Навоий “*siqtamaq – yig'lamaq* нинг муболағасидир”, - деб уқтираркан, қуйидаги байтни мисол тариқасида келтиради:

Ul ay-ki, külā-külā qīrağlattī meni,

Yiğlattī demäy-ki siqtattī meni (МЛ.63).

Байтдан аён бўладики, маъшуқа ошиғини мамнуну ҳукмрон ҳолда ўзидан четлатади, бу ҳолат ошиқни йиғлатибгина қолмай, сиқтадади, қақшатади. Шоир кулиш ва йиғлаш ҳолатларини тасвирлаб, тазод санътини, маъшуқасидан қувилиб, алам кайфиятида бўлган ошиқнинг йиғламаслиги,

сиқташи, чунки оддий йиғи унинг дардини арита олмаслигини тасвирлаб, ружуъ санъатини юзага келтирган. Феъллардан унумли фойдаланиб, ифодани аниқ етказиб бера олиш шоирнинг бадиий маҳорати юксаклигидан дарак беради. Навоий туркий тил имкониятларини кенг қўллай олган моҳир ижодкордир.

Навоий асарлари тилида фаол ҳисобланган *ökürmāk* феъли ҳам *yïğlamaq* феълига синоним ҳисобланади:

Išim tağ üzrā har yan ašk selābīnī sürmäkdür,

Fıraq āšubīdīn har dam bulut yañlığ *ökürmäkdür* (МЛ.63).

Ёки:

Mātami hijrānda sāzedur Navāiy jismi-kim,

Nālasīdīn zerīnī taqmīš *ökürmäktin* bamīn (ФС.354).

Ёки:

Gar Navāiy mufrit afgān etsā, jānā, qılma ayb,

Sen halāk etkān köñül soñida yïğlar *ökürüp* (НШ.42).

Ökürmāk феъли ҳозирги ўзбек тилида ҳам фаол ишлатилади. Худди шундай “баланд овоз билан йиғламоқ” тушунчасини берувчи *höñrämāk* феъли маъно жиҳатдан *ökürmāk* сўзига анча яқин туради. Фарқи *ökürmāk* сўзи бироз салбий бўёқдор бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида кўпроқ хайвонларнинг овозига нисбатан ишлатилади. Одамга нисбатан қўлланганда эса “ич-ичидан фарёд чекиб йиғламоқ” маъносини ифодалайди.

Шунингдек, *inčkirmāk* феъли ҳам *yïğlamaq* феълининг меъёрдан ортиқ даражасини билдириб, услубий томондан бадиий ифоданинг аниқ берилишини таъминлайди:

Čarx zulmīda-ki boğzumnī qīrīp yïğlar-men,

Igürür čarx kibi *inčkirip* yïğlar-men (МЛ.63).

Айтиш мумкинки, *inčkirmāk* ҳозирги тилимиздаги ич-ичидан йиғламоқ иборасига тенг келади.

Демак, *yïğlamsīnmaq, yïğlamsīramaq, iñrämāk, siñrämāk, siqtamaq, ökürmāk, höñrämāk, inčkirmāk, činqırmaq* kabi so'zlar *yïğlamaq* феълининг

синонимик каторини ҳосил қилади. Бунда *yig'lamaq* ҳолатниг меъёрий даражасини; *yig'lamsinmaq*, *yig'lamsiramaq*, *inramak*, *sinramak* феъллари ҳолатнинг меъёрдан паст даражасини; *sigtamaq*, *okurmak*, *hoinramak*, *inckirmak*, феъллари эса ҳолатнинг меъёрдан ортиқ даражасини ифодалайди.

Умуман олганда, классик матнлар, хусусан, Навоий асарлари тилида феълларнинг синонимлари орасида семантик ҳамда стилистик жиҳатдан даражаланиш кўп учрайди. Бу ҳодиса матн услубини таъминлаш, ҳаракат ёки ҳолатни аниқ тарзда ифодалаш, шунингдек, нутқ таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қилади. Айниқса, эмоционал туйғуларни билдирувчи феъллар орасида юз берувчи маъно ва услубий даражаланиш шеърлардаги лиризмни таъминловчи энг муҳим хусусиятдир. Ана шу жиҳатдан, бу ҳодиса юқоридаги каби таҳлилни талаб этади.

4. Еб-ичиш билан боғлиқ феъллар услуби

Навоий шеъриятида қўлланган еб-ичиш билан боғлиқ феъллар услуб жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Шоир асарларидаги ушбу феълларнинг услубий-функционал хусусиятлари бир томондан ижодкорнинг сўз қўллашдаги маҳоратини белгилаб берса, иккинчи томондан туркий тилнинг яна бир бой нуқтасини кашф этади.

Kimki ul bir kōnli sevgān naxl qaddīn bar *yedi*,

Āllāh-Āllāh, umrīdīn ne baxti barxordārī bar (БВ.99).

(Кимки кўнгли тортган хурмо дарахти мевасидан ебди,

Ё Оллоҳим! Бу киши бахтдан нечоғлиқ мамнун.)

Ушбу байтда *yemak* феъли ўз маъносида келган. Аммо бу феъл кўп ўринда кўчма маънони билдириб, турли услубий хусусиятларни ифодалаш учун хизмат қилади:

Yedim tiyr bārānī hajrīnda miḡ zahm

Ki, boldī ne oq-u ne yā āškāra (БВ.19).

Ёки:

Tā ġarib erdim, nasibīm ġam yemāk erdi-yü bas,
Šahrīm iċrā daġi ġam bolsa nasibīm yā nasib (БВ.27).

Ёки:

Tiġidīn *zaxm yedim*, yetkāċ ul āy qāšīnda,
Har ne bāšīmda edi, bardīm anīḡ bašīnda (БВ.280).

Юқоридаги байтларда *yemāk* феъли бир неча форсча сўзлар (*tiyr bārāni*, *ġam*, *zaxm* каби) билан бириккан ҳолда кўшма феъл ёки фразеологик бирикманинг таркибий қисми бўлиб келган. Бу жиҳатдан ушбу феъл ана шу сўзларнинг киши танаси ёки қалби билан ҳис қилинаётгани ҳолатини билдирган. Фикримиз далили сифатида байтларда *yemāk* феъленинг олдидан келаётган ҳеч қайси сўзга тушум келишиги кўшимчасини кўшиб бўлмаслигини таъкидлаш лозим, яъни бунда *yemāk* феъли ўтимсиз феълга айланган.

“Ҳазойинул маоний”даги кўпгина лирик шеърларда “емоқ” маъносини англатувчи форсча *xordan* феъли ҳам учрайди:

Ketip ġunċa-deg daġi nargis kibi,
Aġiz birlā közdin maḡa *xord*-u xāb (НШ.46).

Ёки:

Navāiy ġam yedi-yü öldi daġi tapti visāl,
Ne tapmasun bu sifāt *xord*-u xābliġ köḡlüm (НШ.300).

Эътиборли жиҳати, бунда *xordan* феъли деярли барча ўринда *xāb* (уйқу⁸⁰) сўзи билан жуфт ҳолда келади, бу ҳолат маъно кучайтириш учун хизмат қилади.

Навоий тилида қўлланган *iċmāk* феъленинг синонимлари орасида ҳам маъновий даражаланишни кузатишимиз мумкин.

Масалан, *sīpqrmaq* феъли *iċmāk*нинг муболаға шаклидир:

Sāqiyā, tut bāda-kim, bir lahza özümdin bāray,

⁸⁰ Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 657-б.

Šart bu-kim, har nečā tutsaŋ, lab-ā lab *sipqaray* (МЛ.61).

Sipqarmaq – шимирмоқ, идишдаги суюқликни охиригача ичмоқ маъносини англатади. Юқоридаги байт мазмунан шоирда кечаётган фикрларни тингловчи ёки ўқувчига тил воситасида аниқ етказиб беришда *sipqarmaq* феъли ҳам шакл, ҳам маъно жихатдан мувофиқ равишда танлаб олинган.

Куйидаги байтларда ҳам *sipqarmaq* сўзини айни маънода келиб, лирик қаҳрамон рухий ахволини ўқувчига образли тарзда етказиб берган:

Tapsa ul zarf ilā ma'rufni xuš *sipqaray*,

Ulki āriḥliġ ilā dahrda bolġay ma'ruf (ФК.155).

Ёки:

Balā bazmīda sāqiyi ajal jāmi fanā tutsa,

Tagār olsunki, aġzīmga quyup *sipġarġudektürmen* (ФК.251).

Ёки:

Jāmi tā hašr labā lab bolsun

Nečā *sipqarsa*, yana ham tolsun (ФК.352).

Ёки:

Ul fanā jāminī ċun *sipqarayin*,

Mast olup dayri fanāġa barayin (ФК.368).

İčmäk феълининг яна бир маънодоши *tamšīmaq* бўлиб, бу феъл *ičmäk*нинг меъёрдан паст даражасини ифода этади:

Sāqi ċu ičip maŋa tutar qoš,

Tamši-tamši anī qīlay noš (МЛ. 62).

Демак, тилимизда *ičmäk* феълининг *sipqarmaq*, *tamšīmaq*, *hoplamaq*, *šimirmaq*, *šimirmaq* каби синонимлари бор бўлиб. бунда *ičmäk* меъёрий ҳаракатни; *sipqarmaq*, *šimirmaq*, *šimirmaq* феъллари ҳаракатнинг меъёрдан ортиқ даражасини; *tamšīmaq* феъли эса ҳаракатнинг меъёрдан паст даражасини ифодалайди.

Навоий тилида *yütmäk* феъли *qan*, *zahri hijrān* сўзлари билан бирикиб, “азоб чекмоқ, аламзада бўлмоқ; умидини узмоқ” маъноларини ифодалашини

аввалги бобда айтиб ўтдик. Қуйидаги байтда бу феъл такрор келиб, гўзал бадий ифодани яратган:

Habib ğayr ilā may iĉti, ey köñül, *qan yüt*,

El iĉsā vasl mayīn, baq-u *zahri hijrān yüt* (НШ. 61).

Эътиборлиси, ушбу байтда фақат еб-ичиш билан боғлиқ феъллар иштирокида икки хил бадий санъат ҳосил бўлган. *Yütmäk* феъли икки ўринда келиб, тақрир – “такрорлаш” маъносини ифодаловчи лафзий санъат бўлиб, шеърда у ёки бу сўзни такрор қўллаш⁸¹ санъатини, шунингдек, ушбу феъл *iĉmāk* феъли билан бир мисрада келиб, таносуб санъатини яратган.

Шоир лирикасида *noš äylämäk (etmāk)* феъли “ичмоқ” маъносини беради⁸². Бу феъл ҳам, асосан, маст қилувчи ичимликларни ичишга нисбатан қўлланилиб, кўп ўринда ё вазн, ёки қофия талаби билан келади, айти пайтда, услуб рангба-ранглигини таъминлайди:

Gar anīñ *noš äyläridin* ājiz olsa ahli bazm,

Jam etip barīni bir yolī maña tutqil qadah (НШ.56).

Ёки:

Dayr ara kir, pandin goš äylägil,

Bāda bešak sāf erür *noš äylägil* (НШ.372).

Ёки:

Yari gülrux la’li serābi-yu sāğar qanidīn,

Nam mayi gülrāñ *noš et*, ham gülfām tut (НШ.38).

Қизиғи шундаки, мумтоз шеърятимиз, хусусан, Навоий тилида *iĉmāk* феъли ва унинг синонимлари деярли барча ўринда ё “май ичиш” жараёнини, ёки қон, захар сўзлари билан бириккан ҳолда “лирик қаҳрамоннинг ёр васлиги етиша олмай қийноқда қолган дамлари”ни тасвирлаш учун қўлланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам бадий тасвир маъжозий маънода ҳам илоҳий маънода ҳам тушунилаверади.

⁸¹ *Ҳожиаҳмедов А.* Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. 125-б.

⁸² *Шамсиев П., Иброҳимов С.* Навоий асарлари луғати. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 475-б.

III боб бўйича хулоса

Боб юзасидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоийнинг бадииятдаги услубини ўрганишда сўзлашув билан боғлиқ, кўрув, эмоционал туйғуларни ифодаловчи ва еб-ичиш билан боғлиқ феълларнинг ўрни бўлак. Ушбу феъллар ўзига хос услубий жиҳатлари билан шоир бадиияти лиризмни оширишга хизмат қилган. Бир қанча бадий-тасвирий воситаларнинг юзага келишига замин яратган. Айниқса, ушбу феълларнинг синонимик жиҳатдан тўғри танланиши натижасида муаллиф ўй-қарашлари ва лирик қаҳрамон руҳий ҳолати ўқувчига аниқ етказиб берилган. Шунингдек, шеърий матнларда ушбу гуруҳ феъллари қофия, вазн талабига нисбатан ҳам тўғри танланган. Бу эса Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати юксак эканлигини яна бир марта тасдиқлайди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Навоий асарлари тилида қўлланган феълларни семантик ва стилистик жиҳатдан ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Феъллар ўзига хос хусусиятга эгаллиги билан тилшунослигимизнинг дастлабки пойдеворлари қўйилаётган даврлардаёқ мутахассислар диққат-эътиборида бўлган. Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” ва ундан кейинги даврларда тузилган луғатларда ҳам туркий феълларнинг семантик ва грамматик хусусиятлари атрофлича тадқиқ қилинган.

2. “Девону луғатит-турк”дан кейин тузилган луғатларда ҳам феъллар атрофлича ўрганилган. Айниқса, уларнинг бир маъно гуруҳи остида берилиши диққатга сазовор. Бу эса ўша даврлардаёқ лингвистик тафаккурнинг яхши ривожланганидан дарак беради.

3. Кейинчалик, туркий феълларнинг кенг имкониятлари, афзалликлари бир неча йиллик тажрибага суяниб ёзилган асар “Муҳокамату-л-луғатайн”да пухта лисоний билимлар асосида таҳлил қилинди. Навоий моҳир тил билимдони сифатида туркий тилнинг энг бой жиҳатларидан бири ундаги феълларнинг кўпмаънолилиги ва жозибасида деган ғояни илгари сурди, ўз қарашларини илмий жиҳатдан исботлаб ҳам берди.

4. Шу кунгача туркшуносликда, шу қатори ўзбек тилшунослигида феъллар грамматикасини ишлаб чиқиш борасида катта илмий мактаб яратилди. Ушбу тадқиқотларнинг аксариятида феъллар алоҳида хусусиятга эга эканлиги боис матнда фикрий мундарижани белгилаб бериши уқтирилади. Ушбу тадқиқотларни ўрганиб чиқиш натижасида айтиш мумкинки, тилшуносликда туркий феълларнинг семантик ва стилистик масалалари ҳали тўлиғича ёритилган эмас. Айниқса, атоқли адиблар асарлари тилида қўлланган феълларнинг маъно ва услуб томонларини таҳлил қилувчи тадқиқотлар санокли. Тилшунослик алоҳида тармоқлар асосида ривожланаётган айни паллада ушбу масалага доир тадқиқотлар олиб бориш мутахассислар олдида турган долзарб вазифалардандир.

5. Навоий шеърятти тилида қўлланган сўзлашув билан боғлиқ феъллар, кўрув феъллари, эмоционал туйғуларни ифодаловчи феъллар ва еб-ичиш билан боғлиқ феъллар полисемантик хусусиятга эгадир. Бу маъноларнинг баъзилари бадиий матнда ўзига хос шаклда юзага чиқади. Айрим феъллар контекстга боғлиқ ҳолда янгича маъно касб этади.

6. Навоий асарлари тилида мавжуд феълларнинг айримлари бугунги тилимизда истеъмолдан чиққан. Шунингдек, тадқиқотга жалб қилганимиз кўп маъноли феълларнинг айрим маънолари ҳозир унутилган. Ана шу жиҳатдан шоир лирикаси тилида қўлланилган феълларни семантик таҳлил қилиш туркий феъллар маъно кўламини аниқлашдаги бир ҳаракатдир. Қизиғи шундаки, ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол истеъмолда бўлган айрим феъллар Навоий асарлари тилида мавжуд эмас.

7. Семантик таҳлилга жалб қилинган юқоридаги феъллар шоир асарлари тилининг сўз бойлигини белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Навоий асарлари бўйича тузилган деярли барча луғатларда арабча ва форсча сўзлар маъноларини изоҳлашга катта эътибор берилган. Шоир асарлари тилида қўлланган соф туркий сўзларнинг кўпмаънолилиқ хусусиятларини ёритиш иккинчи даражали бўлиб қолган. Ваҳоланки, Навоий асарлари тилида қўлланган ўз қатлам сўзлари, айниқса, феъллар турли маъноларда келган. Уларнинг маъносини тўғри англамаслик эса бадиий матн фоявий мазмунини талқин қилиш жараёнида катта хатоликларга олиб келади. Шунинг учун ҳам, Навоий асарлари тилида қўлланган феълларни энг аввал маъно томондан тўғри таҳлил қила олиш керак.

8. Ушбу магистрлик ишида таҳлил қилинган сўзлашув билан боғлиқ феъллар, кўрув феъллари, эмоционал туйғуларни ифодаловчи феъллар ва еб-ичиш билан боғлиқ феъллар Навоий услубини белгилашда муҳим ўрин тутди. Улар воситасида турли бадиий санъатлар ҳосил қилинган. Ушбу феъллар бадииятни таъминловчи асосий унсурлар вазн, қофия талабларига мувофиқ келган. Бу эса шеъринг матн бадиийлигини оширига хизмат қилган.

9. Навоий шеърляти тилида сўзлашув билан боғлиқ, кўрув, эмоционал туйғуларни ифодаловчи ва еб-ичиш билан боғлиқ феъллар семантик даражаланиш хусусиятига эга. Бу феълларнинг лирик шеърларда синонимик жихатдан тўғри танланиши бадий тасаввурнинг энг нозик томонларини кўрсатиб бера олган. Маъшуканинг ноз-ишвалари, ошиқнинг рухий изтироблари айни феъллар орқали ўқувчига аниқ етказиб берилган. Бу ҳолат Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати юксаклигини намоён этади.

10. Умуман олганда, Навоий асарлари тилида қўлланган сўзлашув билан боғлиқ, кўрув, эмоционал туйғуларни ифодаловчи ва еб-ичиш билан боғлиқ феъллар семантик ва стилистик жихатлари билан бошқа феъллардан ажралиб туради. Ушбу феълларнинг лингвопоэтик тадқиқи муаллиф бадий маҳоратини очиб беришда муҳимдир. Зеро, бу феълларнинг семантикаси ва стилистикаси масалаларининг қисман бўлса-да ёритилиши шеърятда ўзига хос усулу услублар ихтиро қилган даҳо ижодкорнинг сўзга бўлган меҳрию талабчанлигини ўрганишдаги бир йўлдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси И.А. Каримовнинг асарлари:

1. *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. -31 б.
2. *Karimov I.A.* Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma'naviyat, 2011. -173 б.

II. Асосий адабиётлар:

1. *Алишер Навоий.* Фаройиб ус-сиғар. Мукаммал асарлар тўплами, 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. -613 б.
2. *Алишер Навоий.* Наводир уш-шабоб. Мукаммал асарлар тўплами, 4-том. –Тошкент: Фан, 1989. -557 б.
3. *Алишер Навоий.* Бадоеъ ул-васат., Мукаммал асарлар тўплами, 5-том. – Тошкент: Фан, 1990. -528 б.
4. *Алишер Навоий.* Фавойид ул-кибар. Мукаммал асарлар тўплами, 6-том. – Тошкент: Фан, 1990. -555 б.
5. *Алишер Навоий.* Муҳокамат ул-луғатайн. Мукаммал асарлар тўплами, 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. -3-36 бб.

III. Қўшимча адабиётлар:

1. *Маҳмуд Кошғарий.* “Девону луғатит-турк”. III томлик, I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи – С.Муталлибов. – Тошкент, 1960. -250 б.
2. *Миртожиев М.М.* Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. -285 б.
3. *Муталлибов С.* XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси.// Тил тарихига доир материаллар - Тошкент: Узфанакаднашр, 1955. – Б. 6-13.
4. *Исломов З.М.* “Маҳмуд Замахшарий “Муқаддимату-л-адаб” асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркча феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни” фил. фан. док. дис. ав. – Тошкент, 1998. -25 б.

5. *Щербак А.М.* Грамматика староузбекского языка. М-Л., 1962. – 139 с.
6. *Щербак А.М.* Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол). – Л.: Наука, 1981. – 181 с.
7. *Насилов Д.М.* Лингвистические взгляды Алишера Навои // История лингвистических учений. // Средневековый Восток. – С. 143-155.
8. *Тенишев Э.Р.* Глаголы движения в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. – М., 1961. – С. 232-293.
9. *Вещилова В.Ф.* Глаголы движения в турецком языке // исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Лексика. – М., 1962. – С. 101-115.
10. *Колосс Л.Л.* О предмете стилистики. // Вопросы языкознания. 1953. №3. – 93 с.
11. *Абдурахмонов Ф., Рустамов А.* Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. –Тошкент, 1984. -160 б.
12. *Шукуров Ш.* Настоящее и будущее время глагола в письменных памятниках староузбекского языка. АКД, – М. 1960. -187с.
13. *Халиков К.* Глаголы движения в современном узбекском литературном языке. Дис... канд. фил. наук. – Самарканд, 1967. – С. 215.
14. *Комилов Н.* Маънолар олмига сафар. (Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар) – Тошкент: Тамаддун, 2012. -341б.
15. *Ҳожиев А.*Феъл. Тошкент: Фан, 1973. -192б.
16. *Ҳожиев А.* Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Тошкент: Фан, 1966. - 222 б.
17. *Рустамий А.* Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами. Тошкент: Navro‘z, 2014. -247 б.
18. *Юсупхужаева Х.* Ўзбек тили изоҳли луғатида феъл формаларининг лексикографик таҳлилига доир (“Ўзбек тили изоҳли луғати” материаллари асосида). Тошкент, 1975. -121 б.

19. *Шабанов Дж.К.* Турк ва ўзбек тилларида фаол ҳаракат феълларининг семантикаси. Фил.фан.ном. автр. – Тошкент, 2003. -25 б.
20. *Содиқова М.С.* Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (Семантик аспектда). Дис.фил.фан.док. Тошкент, 1991. -288 б.
21. *Мухамедова С.Х.* Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.: Дис.фил.фан.док. Тошкент, 2007. -300 б. *Расулов Р.* Ўзбек тили ҳолат феълларида семантик каузация // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. № 5. – Б. 7-12.
22. *Оразов М.* Феъл семантикаси тараққиётининг баъзи факторлари ҳақида // Ҳозирги ўзбек тили адабий тили тараққиётида рус тилининг роли. Тошкент, 1983. – Б. 83-87.
23. *Мамадалиева М.* Ҳаракат семали феъл лексемаларда коннотатив маъно // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. № 3. – Б. 30-35.
24. *Садиков. К.* Глагол в языке «Кутадгу билиг» - историколингвистический анализ лексики старописьменных памятников. Изд-во «Фан». Ташкент, 1994. – С. 90-106.
25. *Эргашева Ҳ.* Ҳаракат ифодаловчи феълларнинг семантик таснифи // Тил ва адабиёт таълими. 2000, № 2. – Б. 25-27.
26. *Рихсиева Г.* Ташхис санъатида феъл туркумидаги сўзларнинг аҳамияти // Тилшунослик, 3 – 4 (24)-сон. Тошкент, 2009. – Б. 33-38.
27. *Рихсиева Г.* Шеърӣ матн поэтикасида феълнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 6-сон. 2008. – Б. 97-102.
28. *Рихсиева Г.* Насрда феъл поэтикаси // Шарқ машъали. – Тошкент, 2012, №2. – Б. 16-21.
29. *Хасанов А.* “Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик стилистик воситалар” фил.фан.ном., автр. Тошкент, 2010. -21 б.
30. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати.* 5 жилдли, 1,2,3,4-жилдлар. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2006.

31. *Шамсиев П., Иброҳимов С.* Навоий асарлари луғати. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. -781 б.
32. *Ҳоҷиаҳмедов А.* Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. -193 б.
33. *Dizdaroğlu H.* Türkçede fiiller. – Ankara, TDK, 1963. -206 s.
34. *Banguoğlu T.* Türkçenin Grammeri. – İstanbul, 1974. -196 s.
35. *Hengirmen M.* Türkçe Dilbilgisi. – Ankara, TDK. 1995. -188 s.
36. *Korkmaz Z.* Türkiye Türkçesi Grammeri. – Ankara 2003. -126 s.
37. *Yaman E.* Türkiye Türkçesi ve Özbek Türkçesinin Söz dizimi bakımından karşılaştırılması. – Ankara, TDK. 2000. -316 s.
38. *Özözen Y. de-* Fiilinin Grameri. – Adana, Karahan kitapevi. 2009. - 247 s.
39. *Habibe Yazıcı Ersoy.* Muna Yüceol Özözen, *de-* Fiilinin Grameri //Dil Araştırmaları. Sayı: 7. Güz 2010. – S. 169-172.

IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. *Маҳмудов Н., Нурмонов А.* Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -228 б.
2. *Содиқов Қ.П.* “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш. – Тошкент. 2011. -95 б.
3. *Xudoyberganova Z., Hamidov H.* Turk tilining nazariy grammatikasi. – Toshkent, 2010. -278 б.

V. Интернет сайтлари:

1. <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=8396.0>
2. <http://ameshavkin.narod.ru/litved/grammar/lit/jirmun/zadaci p.htm>